Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

28 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА № 83 (831)
Сотувда эркин нархда. 1994 ЙИЛ

# ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНСУА МИТТЕРАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

СУРАТЛАРДА: Тошкент аэропортида кузатиш пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

26 апрель куни Халқлар Дўстлиги саройида Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Албатта, журналистларни имзоланган ҳужжатлар, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар қизиқтирарди. Учрашувга ўзбекистонлик ва франциялик мухбирлардан ташқари кўпгина хорижий мамлакатларнинг журналистлари ҳам тўпланган эди.

Президент Ислом Каримов бўлиб ўтган музокаралар хусусида сўзлаб берди.

— Жаноб Франсуа Миттераннинг мамлакатимизга ташрифи Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим қадамдир, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Музокаралар ва суҳбатлар кўпгина масалалар юзасидан қарашларимиз бир-бирига яқин эканини кўрсатди. Иккала томон ҳам ҳамкорликдан манфаатдорлигини изҳор этди. Бизнинг сафаримиз пайтида Парижда имзоланган ҳужжатлар ёнига бугун икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация қўшилди. Муносабатларимизнинг бундай ривожи унинг келажагига умид ва ишонч уйғотади. Ҳозирги пайтда иқтисодий, илмий, маданий соҳаларда алоқаларимиз кенгайиб боряпти. Франция Ғарбдаги бошқа мамлакатларга ёш, мустақил давлатлар билан ҳамкорлик қилишда ибрат кўрсатмоқда. Зеро, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар иккала томон учун ҳам самаралидир. Албатта, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Бу борада Франция раҳбари билан фикримиз бир жойдан чиқди.

Шундн сўнг савол-жавоб бошланди. Журналистлар Президентлардан Ўзбекистон—Франция муносабатларининг истиқболи хусусида фикр сўрашди.

— Франция мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатларига катта қизиқиш билан қарамоқда, — деди Ф. Миттеран. — Хусусан, Ўзбекистондаги барқарор вазият, ислоҳотлар йўлига садоқат францияликлар диққатини жалб этмоқда. Ўзаро муносабатларимиз тобора кенгайиб ва ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти олти ой муқаддам мамлакатимизга ташриф буюриб, ўзаро алоқаларга замин яратди. Мен бу сафар ўзим билан кўпгина ишбилармонларни олиб келдим. Мақсадимиз — иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришдир. Бу борада аниқ режалар, таклифларни ўртага ташладик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқовқат, нефть ва газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда бирга ишлаш ниятимиз бор.

Ўзбекистон Президенти саволга жавобан бундай деди:

— Франция иқтисодий ва сиёсий салоҳияти жиҳатидан дунёда катта мавқега эга. Бу мамлакат билан ҳамкорлик иқтисодиётимизни юксалтиришда, ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга. Франция қудратли давлат сифатида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшиши мумкин. Биз ўзаро алоқаларимиз мустаҳкамланаётганидан хурсандмиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Евроосиё Иттифоқи ҳақидаги саволга Ф. Миттеран: «Мамлакатлар ўртасида узоқ йиллар мавжуд бўлган алоқаларни сақлаш керак, албатта. Аммо, бу бирлик қандай бўлиши лозимлигини унга аъзо мамлакатлар ҳал қилиши зарур», деб жавоб берди.

Ўзбекистон Президенти эса бу ҳақда шундай деди:

— МДҲ — зарур тузилма, у бўлмаганда Югославиядаги сингари воқеалар рўй берарди. МДҲнинг иқтисоди иқтисодий ҳамкорлик, интеграцияни кучайтиришдадир. Ҳиссадорлик асосида трансмиллий корпорациялар бунёд этиш керак. Ўзаро пул ўтказиш масалаларини ҳам баҳамжиҳат ҳал қилиш мумкин. Евроосиё ҳақида фикримни илгари ҳам айтганман. Агар у умумий парламент, давлатлар устидан бошқарув тизими ва ягона фуқаролик масалалари билан боғлиқ бўлса, унинг собиқ СССРдан ҳеч фарқи қолмайди. Биз эса ортга қайтишга қаршимиз. Албатта, Европа Иттифоқи бизга намуна бўлиши мумкин. Унда барча давлатлар мустақил, муштарак масалалар эса биргаликда ва тенглик асосида ҳал этилади. Эҳтимол, бир кун бизда ҳам ана шундай тузилмага эҳтиёж туғилар. Аммо бунинг учун маълум вақт керак, мустақил иқтисодиётимизни яратишимиз зарур.

Икки мамлакат раҳбарлари журналистларнинг бошқа саволларига ҳам батафсил жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

## ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ САМАРҚАНДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Президенти Франсуа Миттеран Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида 27 апрель куни Самарқандга жўнаб кетди.

Таштиф дастурига кўра, Тошкент аэропортида мартабали меҳмонни кузатиш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Франция давлат байроқлари кўтарилди. Меҳмонлар шарафига фахрий қоровул саф тортди ва давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг ҳар икки давлат раҳбари фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, самолётга кўтарилдилар.

Тошкент аэропортида мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

Самарқанд заминида.
Т. Норқулов ва Д. Ғафуров олган сурат. (ЎзА).

## ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўтган йили ўзининг Франциядаги ташрифи чоғида мамлакат ишбилармонлари ва банкирлари билан учрашган, уларга бир қанча ҳамкорлик лойиҳаларини таклиф этган эди. Шундан кейин Эндрю Гельфи бошчилигидаги ишбилармонлар мамлакатимизга бир неча бор келдилар. Режалар ҳаётга татбиқ этила бошланди. Бу сафар Франция Президенти билан ҳамроҳ бўлиб келган ишбилармонлар ўз ҳамкорлари билан янада пухтароқ келишиб олдилар.

26 апрель куни Франция ҳукумати вакили, бюджет министри Н. Саркози бошчилигидаги француз ишбилармонлари вакиллари республикамизнинг кўплаб ташкилотларида бўлдилар. Жумладан, Франциянинг «Актини интернасионал» компаниясининг халқаро масалалар бўйича директори О. Аллера «Ўзгўштсутсаноат» давлат акционерлик уюшмаси ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» давлат кооператив концерни вакиллари билан учрашди. Учрашувларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилиш, бу тармоқларни Франциянинг илғор технологияси билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Француз ишбилармонлари Ўзбекистондаги сутни қайта ишлаш заводларига замонавий ускуналар ва тайёр маҳсулот солинадиган махсус идишлар юборишга ваъда бердилар.

Шу куни Франция ишбилармонлари «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси ва бошқа бир қанча ташкилотлар вакиллари билан ҳам музокаралар ўтказдилар. Тошкентда халқаро аэропорт, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, банк тизимидаги алоқаларни янги поғонага кўтариш, тўқимачилик корхоналарини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, сув хўжалиги ва савдо соҳасида ҳамкорлик борасида ҳам келишиб олинди.

(ЎзА).

## Миннатдорлик телеграммалари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Наврўз байрами муносабати билан йўллаган табрик мактубингиз учун чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, давлатларимиз ўртасидаги мавжуд қардошлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига бўлган ишончимни таъкидлаб, Сиз, зоти олийларига саломатлик, бахт-саодат, қардош ўзбек халқига равнақ тилайман.

**Сулаймон ДЕМИРЭЛ,**
**Туркия жумҳурияти Президенти.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Наврўз байрами муносабати билан йўллаган табрик мактубингиз учун чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Туркия ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, жаноби олийларига саломатлик, бахт-саодат, қардош ўзбек халқига фаровонлик тилайман.

**Тансу ЧИЛЛЕР,**
**Туркия жумҳурияти Бош вазири.**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Бухорода вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимлари йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими М. Раҳмонов очди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков йиғилишда сўзга чиқиб, Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси кун тартибига киритилиши кутилаётган масалалар, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳат қандай амалга оширилаётгани хусусида гапирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, республика Конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи, Конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўразаев қатнашди.

ЎзА.

## Ташкилий масала кўрилди

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. У. Носиров бошқа ишга ўтгани муносабати билан шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди. Вилоят ҳокими М. Раҳмоновнинг тавсиясига биноан «Ўзколхозқурилиш»нинг Бухородаги 2-трести бошқарувчиси бўлиб ишлаб келган К. Камолов шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда шаҳарда иқтисодий ислоҳот суст бораётгани, айниқса халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳалари эътибордан четда қолгани таъкидланди. Жамоат транспорти бир меъёрда ишламаётгани, савдодаги тартибсизликлар, жиноятчилик ўсаётгани аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сессияда сўзга чиқди.

Сессияда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, республика Конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи, Конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўразаев қатнашди.

(ЎзА).

## ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Самарқанд шаҳри ўз тарихида жуда кўплаб шонли воқеаларга гувоҳ бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк давлатчилик сиёсати Мовароуннаҳр шаҳарлари қатори Самарқандни ҳам жаҳонга танитди. Фарангистон билан алоқалар ҳам ўша даврда бошланган. Бундан салкам чорак аср муқаддам эса Самарқандга Франциянинг собиқ Президенти Жорж Помпиду ташриф буюрганди. Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг Франция билан ҳамкорлик алоқалари янада теранлашди. Ҳозир Самарқанд аҳли францияликлар билан иқтисодий, маданий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. Француз қадимшуносларининг кўҳна Мовароуннаҳр тарихига қизиқишлари катта. Шунинг учун ҳам улар Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти ходимлари билан биргаликда Афросиёбни ўрганишга киришмоқдалар. «Сюкден кери» фирмаси вилоятда қандлавлаги етиштириш ва шакар ишлаб чиқаришни режалаштирган. «Бунг» корпорацияси эса Самарқандда бир қатор меҳмонхоналар мажмуасини қуриш бўйича музокараларни ниҳоясига етказди. Қисқаси, француз ишбилармонлари билан ҳар соҳада ҳамкорлик самарқандликлар учун самарали бўлмоқда.

Самарқанд аэропортида Ўзбекистон ва Франция байроқлари майин баҳор шабадасида ҳилпирайди. Самарқанд вилояти ва шаҳри раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳозир бўлишган. Улкан ҳаво кемаси аэропортга оҳиста келиб қўнди. Йиғилганлар Франция Президенти Франсуа Миттеран ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда уларнинг рафиқаларига пешвоз чиқдилар. Самолёт пиллапояси ёнида мўътабар меҳмонларга шарқона удумга кўра нон ва ширинликлар тутилди. Қизлар гуллар тақдим этдилар.

Меҳмонларнинг қадимий обидалар билан танишуви Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Шундан сўнг Регистон ёдгорликлар мажмуаси билан танишилди. Бу ерда Франсуа Миттеранга Афросиёб ўтмишини акс эттирувчи тарихий сурат нусхаси совға сифатида топширилди. Бу суратнинг ўзига хос тарихи бор. Эрамизнинг 660 йилида яратилган расмда Самарқанд ҳукмдори саройига турли мамлакатлардан қимматбаҳо совғалар билан келган элчилар тасвирланган.

Франциялик меҳмонларда Тиллақори мадрасаси ва муқовасига кийик териси қопланган, саҳифаларига олтин сувида ишлов берилган улкан Қуръони шариф билан танишув катта таассурот қолдирди. Регистон майдонида самарқандлик хушовоз хонанда ва раққосалар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Франция Президенти Шоҳизинда мақбараси ва Мирзо Улуғбек расадхонасини ҳам ҳаяжон билан томоша қилди. Мухбирлардан бирининг Сиз Самарқандда ўзингизни «Минг бир кеча» эртаклари оламига келиб қолгандек ҳис этмаяпсизми?» деган саволига жавобан Ф. Миттеран: «Йўқ, бу эртак эмас, бу айни ҳақиқат, инсон ақл-заковати билан бунёд этилган чинакам тарих», деб жавоб берди.

Шундай қилиб, Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттераннинг мамлакатимизга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Иккала томон ҳам ташрифнинг ниҳоятда самарали бўлганини таъкидлашди. Ўзбекистон-Франция ҳамкорлигининг янги уфқлари намоён бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу муносабатлар икки халқ манфаатига хизмат қилади.

Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран Самарқанддан Ашгабатга жўнаб кетди. Уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Самарқанд вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

### ХИТОЙЛИКЛАР ХОРАЗМДА

**УРГАНЧ. Ипак ишлаб чиқариш бирлашмасида Хитойнинг машҳур «Су жу» фирмаси билан ҳамкорликда янги дастгоҳлар ўрнатилаётир.**

ШАНХАЙЛИК мутахассислар маҳаллий ёшларга мураккаб ускуналарни созлашни ҳам ўргатмоқда. Бирлашмада велюр, понбархит каби сифатли ва харидоргир матолар ишлаб чиқариладиган янги корхона қурилган эди. Ўнлаб хоразмликлар Хитойда малака ошириб қайтди. Цех йилнинг иккинчи ярмида маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Унда беш юз нафар киши меҳнат қилади.

### ДАСТГОҲ ИТАЛИЯДАН КЕЛАДИ

**ИТАЛИЯНИНГ «Матмак суплиас» ҳамда «Навоийтекст» фирмалари ҳамкорликда Навбаҳор туманида йирик ип-йигириш цехи қурилишини бошлаб юборди.**

Корхона шу йил охирида ишга тушади. Жиҳозлар Италиядан келтирилади. Цех фойдаланишга топширилгач, бу ерда йилига 1,6 миллион тонна маҳсулот тайёрланади.

### ШАКАР КОРХОНАСИ

**СИРДАРЁ вилоятининг Сайхунобод туманидаги «Пахтакор» ширкатлар уюшмасида шакар заводи қурилмоқда.**

Корхонанинг асбоб-ускуналари Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Завод шу йилнинг ўзида маҳсулот беради. Бир кеча-кундузда 5 тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга.

# ЕВРООСИЁ ИТТИФОҚИ: АФСОНАМИ, ҲАҚИҚАТ?

## ЁКИ БУ ИТТИФОҚНИ ТУЗИШ ТАКЛИФИ ОРТИДА НИМА ЯШИРИНГАН

**Куни кеча Москвада бўлиб ўтган МДҲ давлатлари бошлиқларининг навбатдаги йиғилиши, унда қабул қилинган қарорлар ҳамдўстликнинг кейинги тақдири учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Давлат бошлиқлари МДҲ имкониятлари ҳали тугамаганини, имзоланган ҳужжатларнинг илгаригидагидек қуруқ баёнот бўлиб қолмасдан, уларга амалий тус бериш йўли билан МДҲга янги омил бахш этишга қатъий аҳду паймон қилганликларини очиқ-ойдин баён этдилар.**

«Иқтисодий иттифоқ — ҳақиқатдир»,— деди Президент Ислом Каримов. Бу лўндагина гап олий даражадаги учрашувнинг асл мазмуни ва учрашув қатнашчиларининг кайфиятини аниқ акс эттиради.

Шу билан собиқ Иттифоқ таркибидаги мустақил давлатларнинг келажакдаги тараққиёти хусусида пайдо бўлган «муқобил йўл» барҳам топади, деб ишонгимиз келади. Чунки, айрим Ҳамдўстлик мамлакатлари оммавий ахборот воситаларида ҳозирги қийинчиликлардан чиқиш хусусида турли «тавсия»лар пайдо бўла бошлаган эди.

Ҳа, ҳаётга теран назар билан қарайдиган иқтисодчи ва сиёсатчилар оғоҳлантирганидек, эркинлик ҳамда давлат мустақиллигининг баҳоси анча баланд турар экан. Мақсадни аниқ белгилаб олмасдан туриб, барча эски нарсани оппа-осонгина бузиб ташлаб, ўз халқларига жаннатдаги каби турмушни ваъда берган айрим давлат арбоблари бугунги кунда ўзларининг енгилтаклиги, ўйламасдан иш қилиши, қуруқ ваъдалар бераверишининг мазасини «тотиб» кўришяпти.

Айрим арбоблар ислоҳотларнинг бундай усуллари тўла мағлубиятга олиб келганини тан олиш ўрнига, янги саробларни излашга уринмоқда, натижада бошқаларни ҳам алдамоқда.

Эски тизимдан бошқасига ўтиш даврида олға силжишнинг самарали йўллари қидирилади, албатта. Бундай йўлни излаш жуда ҳам зарур. Аммо бу қидириш сиёсий бадиҳа, сиёсий обрў орттириш учун туғиладиган бир лаҳзалик фикрга асосланмаслиги керак. Сиёсатчи, давлат арбобининг ҳар бир гапи муҳим аҳамиятга эга. Чунки, у нафақат ўз мамлакатидаги, балки бошқа мамлакатлардаги миллионлаб кишиларнинг ҳам тақдири ва кайфиятига таъсир этади.

Бу талаблар яқинда таниқли сиёсатчилардан бири «лутф» этган «Евроосиё иттифоқи»ни тузиш ҳақидаги таклифга қай даражада мос тушади? Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, қисқа давр мобайнида ундан кўпгина таклифлар ва баёнотларни эшитганмиз.

Бу баёнот муносабати билан анчагина саволлар туғилади. Нима учун унинг илариги айни шу тусдаги таклифлари амалга ошмади? Бунга қандай кучлар халақит берди? Марказий парламент, марказий ҳукумат, миллатлардан устун турадиган қонунчилик, молия, армия ва бошқа тузилмаларга эга бўладиган Евроосиё иттифоқини ташкил этиш ҳақидаги таклиф қай даражада пухта ўйланган экан? Буларнинг ҳаммаси янги мустақил давлатларнинг ҳаётий интилишларига қай даражада мос келади? Бундай саволларнинг чеки йўқ.

Мазкур таклиф Ўзбекистон фуқаролари манфаатларига ҳам бевосита алоқадор, Шунинг учун ҳам бу муаммони ҳар томонлама кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, юзага келаётган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, муаллиф мусоҳабаларнинг бирида унда бу фикр қандай туғилганини айтиб бергани кишини ҳушёр торттиради. Гўё у хорижий сафарларнинг бирида Европа Ҳамжамияти тажрибаси билан танишган ва бу тажрибани бу ерда ҳам қўллаш фикри пайдо бўлган эмиш. Шу бир лаҳзалик фикрини баён қилибди, холос...

Шунинг учун ҳам бу фикр тараққий этган Европа мамлакатлари тажрибасини иқтисодий аҳволи ва имконияти турлича бўлган собиқ совет давлатлари шароитига тўғри келиш-келмаслигини чуқур таҳлил қилинмасдан айтилган бадиҳа эмасмикин, деб ўйлаб қолади киши.

Аслини олганда, собиқ совет республикаларини бир-бирига яқинлаштириш, улар ўртасида сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ғояси ҳозирги муаммодан анча олдин ўртага ташланган эди. Президент Ислом Каримовнинг 1991 йилда парчаланиб кетаётган иттифоқнинг келажак тақдири тўғрисидаги масала Янги Огаревода муҳокама этилаётган пайтдаёқ биргаликда иқтисодий макон, мудофаа иттифоқини вужудга келтириш ва халқаро майдонда ўзаро келишилган ташқи сиёсатни ўтказиш ҳақидаги таклифини эслайлик. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон бу йўлга содиқ қолди. Афсуслар бўлсинки, айрим шахслар бу ғоянинг нақадар муҳим эканини англаб етиши учун уч йилга яқин вақт керак бўлди.

Бугунга келиб таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборилган бу ғоя кашфиёт тарзида тақдим этилмоқда. Шунисн ажабланарлики, таклифга қараганда, бу фикр зўр машаққатлар билан эришилган давлат мустақиллигига путур етказиш эвазига амалга оширилиши лозим экан. Мустақил давлатларнинг ҳукуматлари ҳам, фуқаролари ҳам узилган хўжалик ва маданий алоқаларни тиклашга, ҳамкорлик қилишга қарши эмас. Гап интеграциянинг оқилона чегарасида, холос. Ана шу оқилона чегарадан четга чиқилса, ўзаро фойдали ҳамкорлик тугаб, сиёсий зўравонлик, бир давлатнинг иккинчи давлат миллий манфаатларини камситиши бошланади.

Интеграцияга бораётган бирон давлат ҳудуди, аҳолисининг сони, иқтисодий салоҳияти ва сиёсий тузилишидан қатъий назар, бошқа, ўзидан қучлироқ давлат таъсири ва тазйиқига тушиб қолмаслиги лозим. Акс ҳолда — бу интеграция эмас, катта балиқнинг кичик балиқни ютиб юбориши бўлади.

Маърифий интеграция бугунги кунда Ғарбий Европа давлатлари гуруҳи мисолида кўриб турганимиздек, умумий тараққиёти маълум даражада бирбирига мос келиши лозимлигини ҳам тақозо этади. Шуни ҳам айтиш керакки, Ғарбий Европада ҳам бу жараён осон кечгани ва ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Бундан ташқари, тараққиёт даражасининг тенглиги асосида шаклланаётган Европа Ҳамжамиятининг эшиклари барча учун очиқ эмаслигини ҳам ҳисобга олишимиз зарур.

Бирон кишига ақл ўргатиш мақсадида эмас, эркин демократик мулоҳаза шаклида шуни айтишимиз лозимки собиқ советлар маконида ташқи сиёсий фаолият маданияти етишмаяпти. Акс ҳолда, навбатдаги «олижаноб» фикрни баён этишдан олдин ғарбнинг етакчи сиёсатчилари тажрибасига назар ташланган бўларди. Бу айниқса етакчилик даъво қилаётган кишилар учун шарт эди.

Масалан, Ф. Миттеран ёки Г. Коль ҳеч қачон илгари чуқур ўйланмаган ва ишлаб чиқилмаган, айниқса манфаатдор шериклари билан олдиндан муҳокама қилинмаган масалалар юзасидан баёнот ёки ваъда бермайди.

МДҲда эса, афсуслар бўлсинки, айрим кишилар эски анъаналарни тиклаш тажрибасини қўлламоқда. Ташқи сиёсатдаги шиор-бозлик, енгилтаклик ва манманлик КПСС Марказий Комитетининг дипломатиясидан қолган асоратдир. Мамлакат шундай усуллар билан афғон урушига тортилган, Шарқий Европа жандармига айлантирилган, ўз вақтида Хитой билан зиддият ўзғалишига олиб келинган эди.

Иккинчидан, ўзимизга: собиқ СССР республикалари бугунги кунда бундай интеграцияга тайёрми, деб савол бериб кўрайлик. Улар конфедерация асосига қурилган бўлса ҳам ягона марказлашган давлат доирасида тенг ҳуқуқли субъектларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини тақозо этадиган даражада оёққа турганми? Улар олдинги тобелик қолатидан қутилганми? Бошқача қилиб айтганда, таклиф этилаётган Евроосиё парламентида, мисол учун, улкан Россия билан биродаркушлик урушидан жабр тортган Тожикистон мутлақ тенг бўладими? Шундай бўлади, деб ишонадиган хаёлпаластлар ҳам топилишига қарамасдан айтишимиз лозимки, ҳеч қачон бундай бўлмайди.

Вақт ўтиб, мустақил республикалар мустақил давлат сифатида оёққа туриб олишдек мураккаб йўлни босиб ўтганларидан кейин Евроосиё иттифоқини ёки бошқа ҳамжамиятни тузиш фикрига келиши мумкин, албатта. Лекин улар бу фикрга қандайдир ташқи таъсир ёки бирон-бир сиёсатчининг даъвати билан эмас, объектив, табиий ҳолда, мустаҳкам бўлиб, мустақиллик тажрибасига эга бўлиб, ўз ички муаммоларини ҳал этиб, давлатнинг устувор масалаларини аниқлаб, ўз мустақиллигини йўқотишдан хавфсирамаган ҳолда келади. Ҳозирча эса шошилмасдан бўлажак ҳамжамиятнинг иқтисодий пойдеворини яратиш зарур. Бу барча фуқаролар манфаатига мос келади.

Оддий одамлар мисол учун, Саратовдаги қариндошини бориб кўриш имкониятига эга бўлишни ёки Харьковдан ўз иш жойига керак бўлган бутловчи материал олишни ҳаётий манфаатларини амалга ошириши лозим бўлган арбобларнинг тўхтовсиз баёнотлари ва сиёсий ўйинлари барчанинг жонига теккан.

Собиқ иттифоқ давлати харобалари ўрнида МДҲ барпо этилишини эслайлик. Жуда кўп заиф томонларига ва камчиликларига қарамасдан бу ҳамдўстлик ўзининг асосий вазифасини бажарди — собиқ иттифоқ республикаларини бирбиридан жуда узоқлашиб кетишдан сақлаб қолди.

Бироқ давлатлараро ҳамкорликнинг МДҲ сингари ўта демократлашган шакли ҳам унинг айрим субъектларига мустақиллик учун яширин хавф бўлиб туюлмоқда. Бу ўринда таклиф этилаётган миллатлардан юқори турадиган парламентлар хусусида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади... Бўлажак тенг ҳуқуқли Евроосиё хонадонига асос қўйиш учун ниҳоятда эҳтиёткорлик, қадамни ўйлаб босиш, фақат ўзининг эмас, бошқаларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Марказлашган давлатни тиклаш фикри кўп жиҳатдан қўшни республикадаги ўсиб бораётган ички муаммоларни ҳал этишга уриниш, Россия жамоатчилигини хотиржам қилиш, фуқаролик, ҳудуд, аҳолининг кўчиши масалаларидаги чигалликларни ҳал этиш, шунингдек тобора ўсиб бораётган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан қутилиш истагидан туғилган, деб фараз қилайлик. Бу чигал тугунларни ечиш лозим албатта, бироқ бундай йўл билан эмас-да...

Россия етакчилари бу таклифга жавобан одоб юзасидан сукут сақлагани ҳам кўп нарсани билдиради. Эҳтимол Россия ўз ичидаги ва ташқаридаги муаммоларни ҳал этиш хусусидаги мужмал лойиҳалардан чарчагандир. Бутун МДҲда ҳам хомхаёллар ва ёлғон ваъдалардан ҳорғинлик сезилиб турибди.

Вақтинчалик сиёсий масалаларни ҳал қилаётганда одамларнинг тақдирини ҳал қиладиган йирик ишлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Бундай қилиш одамларни чалғитади. Улар ўз дунёқарашларининг барбод бўлиши, ягона давлатнинг вайрон бўлиши фожеасини бошдан кечирдилар. Тажрибали сиёсатчи ўз ваъдаларининг амалга ошмаслигини билиб туриб, уларни яна алдамаслиги керак.

Катта, оламшумул масалаларни ҳал этишга киришишдан олдин аниқ ва қўлдан келадиган ишларни қилиш лозим эмасми?

Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлиги тажрибаси келажакда аста-секин тенг ҳуқуқли Евроосиё хонадонини бунёд қилиш учун яхши асос бўла олади. Уч давлат ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида яқинда имзоланган шартномага Россиянинг ҳам қўшилиш истагини билдиргани эътиборга лойиқ. Минтақа халқлари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарларининг кейинги пайтларда вужудга келган сунъий тўсиқларни олиб ташлаш бўйича қилган ҳаракатларини катта умид билан кутиб олгани ва бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаётгани, келажакда яна бошқа амалий қадамлар ташланишига ишонаётгани барчага маълум. Бу ҳаётий муҳим жараён ташаббускорларидан бири ўз қарашларини жуда осонлик билан ўзгартириб юборганини уларнинг тушуниши қийин.

Бу таклиф ким учун фойдали, у нима сабабдан туғилди ва қай даражада мукаммал, у нима учун айнан бугунга келиб шу шаклда пайдо бўлди, деган қонуний саволлар ҳам туғилмаслиги мумкин эмас. Энди шу саволлар устида ўйлаб кўрайлик...

Маълумки, ҳозир ҳар бир мустақил давлат ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этишда ўз йўлини қидирмоқда, мустақил равишда бозор муносабатларига йўналтирилган демократик жамият қурмоқда. Уларнинг ҳар бири бугунги кунда объектив ва субъектив омиллардан келиб чиқиб, ҳар хил натижага эришмоқда.

Айрим давлатлар бир неча ўн йил орқага кетди, бу давлатларда аҳолига нон карточка бўйича берилмоқда, шаҳарларда одамлар уйларига темир печь қуриб олишган, ҳар замонда бериладиган электр энергияси илоҳий неъмат тарзида қабул қилинади. Бошқа давлатларда эса одамлар тинимсиз овоз беришда қатнашишади, бир-бири билан орани очиқ қилишга уринишади, ишлаб чиқариш таназзулини тўхтатолмай овора. Ў ерларда жиддий ижтимоий можаролар хавфи яққол сезилиб турибди. Бошқа айрим давлатлар эса, қийинчиликларга қарамай, белгиланган йўлдан мустаҳкам одимламоқда ва ҳозирнинг ўзидаёқ унча катта бўлмаса-да, маълум ютуқларга эришган.

Илгариги хўжалик алоқаларининг узилиши, анъанавий шериклардан, маҳсулотини сотадиган бозорлардан жудо бўлиш натижасида вужудга келган иқтисодий муаммолар — барчанинг бошига тушган кулфатдир. Янги қиёфадаги эски марказлашган давлатни тиклаш ташаббускорлари худди мана шу ҳолни рўкач қилишмоқда.

Наҳотки, Сибирдан Ўзбекистонга ёғоч ортилган вагонни ёки Ивановога пахта ортилган вагонни юбориш учун давлатлар устидан назорат қиладиган ҳукумат тузиш лозим бўлса? Неча ойлардан бери маош ололмаётган ва ҳеч қандай ижтимоий кафолатга эга бўлмаган шахтёрлар, нефтчилар, олимлар ҳамда ўз давлатида ҳукумат ҳам, федерация кенгаши ҳам, дума ҳам, губернаторлар ҳам ва бошқа жуда кўп раҳбарлик органлари бўлган миллионлаб фуқаролар бу саволга иш ташлаш билан жавоб беришмоқда.

Хуллас, давлатлар устидан назорат қилувчи янги тузилмалар тузиш барча кулфатлардан халос қилади, деб ўйлаш — ё эски тафаккур меваси, кечаги кун, бюрократик қарорларнинг қудратига кўр-кўрона ишониш, ёки кимнингдир бир баҳона билан ҳар ёққа тарқаб кетган республикаларни жамлаб, эски замонлардаги каби уларнинг ўзларига ҳам, бойликларига ҳам хўжайинлик қилиш истагидир.

Иқтисодчи бўлмасам ҳам, собиқ СССР ҳудудидаги барча давлатларнинг иқтисодий ҳолатини белгиловчи энг йирик давлат — Россиянинг ҳозирги мушкул аҳволи айрим одамлар ўйлаганидек, мансабдорларнинг ишга ноқобиллиги ва яхши ўйланмаган иқтисодий сиёсат туфайли эмас, деб тахмин қиламан. Бу мушкул аҳволнинг сабаблари анча чуқур, яъни Россия иқтисодиёти шу қадар чуқур интеграция қилинган ва бошқа иттифоқдош республикалар иқтисодиёти билан шу қадар мустаҳкам боғланган ва бирбирига шу қадар қарам бўлиб қолганки, энди бу алоқаларсиз ишлай олиши ўта мушкул. Хорижий кредит ва қарзлар аҳволни тубдан ўзгартиролмайди. Улар дўкон пештахталарини унча сифатли бўлмаган ранг-баранг моллар билан тўлдиришга қодир, холос. Аммо бу ҳол мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларни тўла синиш ҳолига олиб келиб, уларга катта зарба бўлгани ҳам сир эмас. Ғалати ҳол вужудга келди: корхоналарнинг омборлари тайёр маҳсулотга тўлиб ётибди, бироқ эски харидорлар уларни ололмаяпти, одамлар маошсиз, ишсиз қолмоқда...

Аслида бундай пайтда сиёсатчилар мутахассисларнинг теран амалий маслаҳатларига қулоқ солиши, вужудга келган вазиятдан чиқишнинг ўзаро фойдали йўлларини қидириши, давлатлараро тузилган ва имзоланган икки томонлама шартномаларни ҳаракатга келтириши ҳамда МДҲ доирасида илгари қабул қилинган қарорларни амалга оширишга ҳаракат қилиши керак.

Афсуски, бундай бўлмаяпти. Кимнингдир эски тартибларни тиклагиси, барча нарсани марказдан туриб бошқаргиси ва ҳамма нарсани марказдан туриб тақсимлагиси келиб қолган, шекилли.

Бу ўринда бизнинг миқёсларимиз билан ўлчаганда, дастлабки сармояни етарлича тўплаган йирик молия-саноат тузилмалари манфаатлари ҳам аралашаётгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Балки уларнинг фаолияти учун битта давлат доираси торлик қилаётгандир. Эҳтимол, бирлаштирилмоқчи бўлинаётган давлатларнинг табиий бойликларини четга сотиб, янада кўпроқ бойлик орттириш нияти уларга тинчлик бермаётгандир...

Бунинг учун турли-туман воситалар ишга солинмоқда. Кимдир қийинчиликлардан чиқиш учун иттифоқни тиклаш зарур деган жозиб ғояни топиб олиб, унга жон ато этмоқда. Ўз «мустақиллиги» билан мақтанаётган ташвиқот машинаси ишга туширилмоқда. Бу машина одамларни ишонтириш учун хорижий шарҳлардан парчалар келтириб, уларнинг бошини қотирмоқда.

Аҳолининг ҳолдан тойган қисмида пайдо бўлган «1 сўм 90 тийинлик колбаса» даврини қўмсашдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Қайта қуришдан олдинги ўтмиш қанча узоқлашгани сари шунча улуғланмоқда. Илгари тўкин-сочин жаннат ҳақидаги афсонага келсак, бошқа жойларни билмайман-у, лекин ўзбек деҳқони энг гуллаган турғунлик йилларда ҳам на бундай колбасани, на бошқа неъматларни кўрган.

Ўтмишдаги барча нарсага қора бўёқ чаплаб бўлмайди, албатта. У пайтда ҳам кўп яхши нарсалар бўлган. Шуни айтиш лозимки, айнан Ўзбекистонда ўтмишни бадном қилиш билан шуғулланишаётгани йўқ.

Эркинликка эришган халқлар ҳеч қачон орқага қайтмаслиги, ҳеч қандай «марказ»га интилмаслиги ҳақиқатдир. Бироқ, улар бунга куч билан мажбур этилиши мумкин. Мен «онаси рус, отаси юрист» бўлган машҳур кимсага ким рус халқи номидан гапиришга ваколат берганини тушунмайман. Бошқалар қатори «марказ»дан кўп ситам тортган бу улуғ жабрдийда халқ ҳам ўзининг устидан кимнингдир ҳукмронлик қилишини истамаслигига ишончим комил.

Жириновский ўзининг жангари баёнотлари билан маълум кучларнинг тоширғини бажараётгандир. Унинг «Аргументы и факты» газетасининг 14-сонида босилган «...Рус милатини қон билан уйғотиш керак...» деган сўзларига қандай баҳо бериш керак? Собиқ СССР республикаларини бирлаштириш хусусида гапириб, у бундай дейди: «Фақат ҳалокат орқали қилинади бу иш. Миллионлаб тожик, грузин, ўзбекнинг ҳалокати орқали». Ўзига бино қўйган «калхат»нинг «чиройли» кашфиёти бу. Кўриниб турибдики, у бу гаплари билан кимларнидир чўчитиб улгурган...

Лекин, ҳамма қўрқоқ эмас. Ҳар бир мустақил давлатда ўзининг узоқ кутилган мустақиллигига ҳар қандай тажовузга муносиб зарба бера оладиган сиёсий кучлар вужудга келган.

Ниҳоят, учинчидан, ўзимизга сўнгги, энг муҳим саволни берайлик: Ўзбекистон бу шубҳали ўйинларда иштирок этиши керакми?

Янги тарихимиз бизнинг устимизда ўтказилган синов бўлганини, яна бу иш биздан сўралмай қилинганини, барча нарса «марказ»дан туриб ҳал этилганини эслайлик. Эндигина елкамизга офтоб тегди, ўз тақдиримиз ва келажагимизни ўзимиз ҳал этиш имкониятига эга бўлдик. Наҳотки шундай бир пайтда яна устимиздан шубҳали синовлар ўтказишга йўл қўйсак?

Биз ҳеч қачон иқтисодий интеграция ва ҳамкорликка қарши бўлмаганмиз. Аксинча, Президентимиз Ислом Каримов ҳамма ишни асосий пойдевор — иқтисодиётдан бошлаш, бу ишга сиёсатни аралаштирмаслик лозимлигини таъкидлаб, бу йўлни оғишмай амалга ошириб келмоқда. Бу ўринда Беловеж ўрмонидаги воқеадан кейинги даврда ҳақиқий иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилмагани безовта қилмай қолмайди. Бизнинг барча ташаббусларимиз катта қаршиликка дуч келмоқда. Кимдир «қанча ёмон бўлса, шунча яхши» деган мақсадни кўзлагандай, барча минтақаларда қийинчиликлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Ана шундай шароитда миллатлар устидан ҳукмронлик қиладиган марказий тузилмалар ўрнатилса, иш юришиб кетади, деб ким кафолат бера олади? Аксинча, бу ҳолда барча иш сўзамоллик ва сиёсатдонлик ботқоғига ботиб кетиши эҳтимоли кучлироқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзгаришлар йўлида дадил қадам ташламоқда. Кучли, гуллаб-яшнайдиган давлатнинг мустаҳкам пойдевори қўйилмоқда, жамият ҳаётининг барча соҳасида чуқур ўзгаришлар давом эттирилмоқда. Катта нарса узоқдан кўриниб туради, биз ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларнинг улуғворлигини кейин кўрамиз. Бу улкан иш осойишталик билан, дабдабаларсиз қилинмоқда. Чунки, давлатимиз бошлиғининг иш услуби шундай.

Қилинаётган иш ва унинг ҳозирги натижаларига дўстларимизгина эмас, рақибларимиз ҳам муносиб баҳони беришмоқда. Истаса-истамаса барча Ўзбекистоннинг йўли мантиқли, аниқ ва изчил эканини, юртимизда тинчлик ва сиёсий барқарорлик шароитини тан олишга мажбур бўлмоқда.

Давлат қурилиши, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий-сиёсий тузумнинг жуда кўп муҳим йўналишларида биз барча республикалардан ўзиб кетганмиз. Шундай экан, ярим йўлда тўхтаб, бошқарув ваколатларини қандайдир янги тузилмаларга бериб қўйиш ўйлаб бўлмайдиган хатодир. Бу ўтмишга, босиб ўтилган йўлга қайтишни билдиради. Бундай қилинганида биз ҳозир қутулганимиз жуда кўп янги муаммоларга дуч келишимиз аниқ. Бу муаммоларнинг юки мазкур таклифга кўнсак, биз эга бўлишимиз мумкин бўлган шубҳали «инъом»лардан кўра оғирроқдир. Жуда кўп жойларда давлатни бошқариш ўз ҳолига ташлаб қўйилган, бу хавфли касаллик бизга ҳам юқиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

Янги таклиф «ижодкор»лари бунинг акси бўлади, деб бизни қанчалик ишонтиришга уринмасинлар, Евроосиё иттифоқига кириш — давлатимиз бораётган йўлни кескин ўзгартиришни тақозо қилади. Бу ўз навбатида манфаатларнинг ҳозирги мувозанатига, жамиятдаги фуқаролар ва миллатлараро тотувликка ҳам таъсир этади. Мавжуд сиёсий барқарорликни бебаҳо бойлик, деб билган республикамиз фуқаролари бунга рози бўлишлари қийин.

Ўзбекистондаги жараёнлар ўта силлиқ кечаётгани йўқ, албатта. Одамлар анчагина қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Улар муаммоларни тезда ҳал қилишга халақит бераётган мавжуд тўрачилик ва кундалик турмушдаги камчиликлардан ҳақли равишда ранжишмоқда. Аммо бу қийинчиликлар ислоҳотлар стратегияси ва тактикасида йўл қўйилган хатолар туфайли эмас, биз алоҳида оролда эмас, мураккаб ва ҳамма бир-бири билан боғлиқ дунёда, ҳар доим ҳам бизнинг манфаатларимиз билан мос келавермайдиган кўплаб манфаатлар орасида яшаётганимиз туфайли пайдо бўлмоқда. Аҳоли буни яхши тушунади. Ўз давлат раҳбариятига ишонади ва буюк келажак сари олиб борадиган йўлни қўллаб-қувватлайди. Ҳар биримиз, агар ҳақиқий ватанпарвар бўлсак, ўз мустақиллигимизга муносиб бўлишимиз лозимлигини чуқур англашимиз керак. Давлат мустақиллиги — барча нарсанинг асоси, юксак шараф ва масъулият, юксак қадриятдир. Уни асраб-авайлаб ва мустаҳкамласакгина, биз жаҳон ҳамжамияти олдида ўзимизни ва қиёфамизни сақлаб қолишимиз мумкин. Заминимиз ер куррасидаги ўзбеклар узоқ вақт юзага чиқаролмаган салоҳиятини намоён этиши мумкин бўлган ягона жойдир. Бунинг учун барча фуқароларда сабр-тоқат ва келажакка ишонч бўлиши зарур.

Бироқ, ҳозирги вазиятда безовталик туғдириб, ҳар хил миш-миш ва шубҳалар тарқатишни истовчилар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳол ҳар биримиздан ватанпарвар ва хушёр бўлишни, давлат мустақиллигини ҳимоя қилишга тайёр туришимизни талаб этади. Империяни тиклаш фикри билан яшаётганлар ҳозир муҳокама қилинаётган таклиф билан қоноатланмасликлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Уларда бошқа, янада нозикроқ таклифлар ҳам тайёр тургандир. Бу таклифларнинг барчасига жуда жиддий муносабатда бўлиш керак. Чунки, уларда жуда катта ҳалокатли салоҳият яширинган бўлиши мумкин.

Эҳтимол, мустаҳкамлигимиз ҳали жуда кўп синовдан ўтади. Орқадан бериладиган зарбаларга ҳам тайёр туриш керак. Халқнинг якдиллиги ва жипслигини талаб этадиган мавжуд шароитда ўзларини «мухолифат» деб атаб, Ўзбекистонни хуш кўрмайдиган хорижий марказлардан бошпана топган мансабпараст шахслар ҳам сиёсий «бойлик» орттиришга уриниши мумкин. Улар ўзлари ва ҳокимиятга интилишларини намоён этиш учун ҳар қандай нарсадан, республика ҳаётида юз бераётган ҳар қандай қийинчиликдан фойдаланиб қолишга тайёр.

Иқтисодий интеграция ва сиёсий мустақиллик — бирбирини истисно қиладиган тушунчалар эмас, балки собиқ СССР ҳудудидаги барча давлатлар амал қилиб яшаши лозим бўлган қонидадир. Ўзбекистон билан Россия ўртасида ўрнатилаётган давлатлараро муносабатларнинг келажаги порлоқ. Давр талабларига асосланган бу муносабатлар янада чуқур ва ранг-баранг мазмун билан бойитилмоқда, вилоятлар, туманлар, корхоналар ўртасида ҳам давом этмоқда.

Одамларга юз бераётган воқеалар моҳиятини тушунтириш мафкуравий ишни ҳам кучайтиришни тақозо этади. Бу иш билан Ўзбекистондаги сиёсий кучлар, жумладан — Халқ Демократик партияси шуғулланиши лозим. Бу партия ҳам барча давлат идоралари қатори шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда, жамиятнинг сиёсий тизимида ўз ўрнини қидирмоқда. Бу жараён бироз чўзилганига қарамай, партия ўз олдида турган вазифани бажаришга қодир. Чунки унда фикрловчи, ташаббускор, ўз давлати мустақиллиги ишига содиқ ва ўзини бу юксак мақсад йўлида ҳизмат қилишга бағишлаган одамлар жамланган.

Ватанимиз мустақиллигининг учинчи баҳорини кутиб олди. Кўп миллатли халқ эркинлик ҳавосидан кўксини тўлдириб нафас олаётган экан, энди бу эркинликни ҳеч нарсага алмаштирмайди.

**Шоқосим ШОИСЛОМОВ,**
**сиёсатшунос.**

---

*Ўзбекистон Олий Кенгашининг XV сессияси олдидан*

# Ислоҳотлар— ҳаётимиз мазмуни

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг фаолиятидан ва унинг навбатдаги XV сессиясида кўрилажак масалалардан қаноат ҳосил қилаяпсизми?» Сессия арафасида хоразмлик бир гуруҳ сайловчиларга ана шундай савол билан мурожаат қилдик. Қуйида уларнинг жавобларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

**Абдулла ота БОЛТАЕВ, — Хазорасп тумани фахрийлар уюшмаси кенгашининг ранси:**

— Қарийб олтмиш йилдан буён турли даража ва мақомдаги сайловларда қатнашиб келаман. Ўзим ҳам бир неча бор депутатликка сайланганман. Бироқ, ҳозиргидай бағоят савобли ишларни амалга оширган Олий Кенгашни кўрмаганман. Халқимизга истиқлол декларациясини, мустақил диёр Конституциясини ҳадя қилган, ўзбек элининг кўп асрлик тарихида биринчи бор президентлик бошқарувини таъсис этган Олий Кенгашнинг фаолиятини бениҳоя қадрлайман.

Мамлакат Олий ҳокимият органи фаолиятининг таҳсинга муносиблиги шундаки, халқ депутатлари демократик тамойиллар ва тартиб-қоидалар эндигина шакллана бошлаган, кўп партиялилик, ҳурфикрлилик, сўз ва виждон эркинлигига кенг йўл очилган шароитда ишладилар. Бундай мураккаб ва масъулиятли паллада мустақил Ўзбекистонимизни чинакам истиқлол ва ислоҳотлар сари етакловчи юздан зиёд ранг-баранг қонунлар ва бошқа қалмоқли ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мана, жонажон мамлакатимизда «Республика Олий Мажлиси тўғрисида»ги янги Қонун мажмуаси яратилди. Бу эса демократиямиз янада юқори поғонага кўтарилгани, Олий Ҳокимият органимиз эса ривожланган мамлакатлар парламентлари андозасидаги мақомга етганидан далолат беради.

Олий Кенгашнинг XV сессиясида кўрилажак масалаларнинг ўзиёқ истиқлолимиз нечоғлик муҳим ва масъулиятли манзилларига етиб келганини, кенг кўламли ислоҳотлар эса ҳаётимиз мазмунига айланиб, барқарор турмуш томон йўл очиш қуроли сифатида намоён бўлаётганини кўрсатади.

**Мадраҳим МАТЕҚУБОВ,— тадбиркор, Янгибозор тумани:**

— Муҳтарам Президентимиз ўтган 4 йил мобайнида мамлакатимиз ҳаётида тарихий бурилиш даврини бошлаб берган Фармонларни қабул қилдилар. Тадбиркорликни рағбатлантириш, мулкчилик шаклларини кенгайтириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, банк, молия ва солиқ тизимларини, пул муомаласини такомиллаштириш соҳасида ташланган дадил қадамлар туфайли юртимиз истиқболига кенг йўл очилди.

Оиламиз аъзолари билан бирга 1991 йили тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эдик. Ўшанда жамғармамизда бир неча минг сўм пул бор эди, холос. Ҳозир эса тасарруфимиздаги моддий бойлик яратувчи ишлаб чиқариш ўчоқларининг ўзи 30 тага етди. Мавжуд корхона ва хўжаликларимизда чорвачилик маҳсулотлари етиштирилмоқда, қандолатчилик, новвойлик, кийим тикиш, йигириш, тўқиш, аҳолига, корхона ва ташкилотларга техника хизмати кўрсатиш цехлари, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва хориждан келтирилаётган мол ва буюмларни сотувчи дўконларимиз, қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи кўчма механизациялашган колоннамиз, ҳатто тижорат банкимиз ҳам бор. Давлатимиз қудрати ва халқимиз турмушини юксалтиришга шу янгиғ улуш қўшаётган ишбилармон, омилкорлар Хоразмда оз эмас. Ҳурматли халқ ноиблари тадбиркорлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришга имкон берувчи ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиб, қўлимизга беришмаганида бундай ютуқлар орзулигича қолиб кетган бўларди.

Ўзбекистон парламентининг яқинда очилажак навбатдаги сессиясига ҳавола этилган масалалар ҳам пировардида бахту иқболимизга хизмат қилади. Олий Кенгашимиз эса ваколатини ғоят самарали фаолият билан поёнига етказмоқда. Унинг ўрнида қарор топажак республика Олий Мажлиси олдида ҳам ниҳоятда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Мамлакат тақдири, халқимиз келажаги билан чамбарчас боғлиқ бу улкан режа ва вазифалар барча ноибларнинг Президентимиз ва республика раҳбарияти атрофига маҳкам ва дўстона жипслашганидагина рўёбга чиқади. Юртимиздаги барқарорлик осойишталик, аҳиллик ва иноқлик ҳам ана шу жипслик ва фикрларнинг бирлиги натижасидир.

**Рўзим ҲУСАИНОВ — «Туямўйин сув қурилиши» трести қурилиш-монтаж бошқармаси раҳбари, Дўстлик шаҳри:**

— Чинакам ютуқлар инсон меҳнати рағбат ва қадр-қиммат топган юртдагина қўлга киритилади. Мулкчилик шакллари, манфаатдорлик ва тадбиркорлик томон очилган кенг йўллар ҳур диёримизда тинч яратувчилик меҳнатининг улуғланаётганлиги ва қадрланаётганидан ёрқин нишона. Аммо, бунёдкорлик ишлари яна ҳам равнақ топмоғи, замондошларимиз орасида ўзаро меҳр-муҳаббат ҳислари ёрқин намоён бўлмоғи учун маънавий рағбат ва мададнинг намуна ва нишонлари ҳам ниҳоятда зарур. Шу жиҳатдан олганда, республика Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси халқ ноибларининг тарихий машваратидан бири бўлиб қолади. Негаки, мустақиллигимиз рамзлари ҳисобланмиш «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони, «Олтин Юлдуз» нишони, «Мустақиллик», «Ўзбекистон қаҳрамони» «Шуҳрат» ва «Жасорат» медаллари ҳақидаги масалаларни айнан ушбу сессия ҳал этиб беради.

Таъсис этилажак олий нишонлар халқим

# ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЎРГАНИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

**• Давра суҳбати**

**Маълумки, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган (1993 йил, сентябрьдан бери муайян вақт ўтди. Бу муҳим қонунни амалга киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган Қарорда вазирликлар ва барча мутасадди ташкилотларнинг бу борадаги вазифаларининг асосий йўналишлари белгилаб берилган.**

**Яқинда «Халқ сўзи» рўзномаси таҳририятида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш мавзуига бағишланди. Унда республика Халқ таълими вазирлигининг фан ва ўқитувчилар малакасини ошириш бўлими мудири, фалсафа фанлари доктори Тошпўлат Тошлонов, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги гуманитар таълим ва тарбия бошқармаси бошлиғи Пўлат Тўраев, Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори Насим Маматовлар қатнашдилар. Давра суҳбатини «Халқ сўзи» газетаси маънавият бўлимининг муҳаррири Жалолиддин Сафоев олиб борди.**

**Ж. САФОЕВ: — Ҳукуматимизнинг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисида»ги Қонуни ва уни амалга киритиш ҳақидаги Қарори ўзининг кўлами ва аҳамияти жиҳатидан Ўзбекистонда катта воқеа ҳисобланади. Бу муҳим ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан республикамизда муайян ишлар амалга оширилаётгани, шубҳасиз. Бугун ана шу тадбирларни омма орасига етказишга масъул бўлган таълим тизимида олиб борилаётган ишлар юзасидан суҳбатлашсак.**

Т. ТОШЛОНОВ: — Бу Қонун Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва жаҳон мамлакатлари орасида коммуникация тизими, яъни турли алоқа йўлларини ўрнатишда қулай шароитни яратишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам янги алифбога ўтиш бўйича республика ҳукумати қабул қилган Қарор асосида Халқ таълими вазирлиги ўзининг тадбирлари дастурини тузиб, уни ўтган йилнинг ноябрь ойида махсус буйруқ билан тасдиқлаб, барча вилоятлардаги халқ таълими бош бошқармаларига юборди.

П. ТЎРАЕВ: — Ана шу икки ҳужжат юртимизнинг барча фуқаролари зиммасига катта масъулият юклайди. Бироқ, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда республика Матбуот давлат қўмитаси каби ташкилотлар бу улкан тадбирни амалга оширишда кўламли ишларни амалга ошириши лозим. Тадбирнинг асосий юки ҳам асосан шулар зиммасида. Шу сабабли Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги октябрь ойида кўп босқичли тадбирлар режасини ишлаб чиқди, иш дастурини белгилади. Бунда вазирлик тизимидаги ўқув юртларининг тажрибали тилшунос олимлари, мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди. Бу дастур республика олий ўқув юртларига юборилди. Унда ҳар бир институтда зудлик билан янги имлога ўтиш бўйича марказ ва ишчи гуруҳлари тузиш вазифаси топширилди.

**Ж. САФОЕВ: — Вазирликлар томонидан ишлаб чиқиб, жойларга юборилган ана шу ҳужжатларда қуйи ташкилотлар биринчи навбатда бажариши зарур бўлган қандай муҳим тадбирлар кўрсатиб ўтилди?**

Т. ТОШЛОНОВ: — Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоят ва Тошкент шаҳар ХТ бошқармалари бошлиқлари, педагогика ўқув юртлари ректорлари ва директорларига, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида, педагогика институтлари ва билим юртлари қошида тадбирларда белгиланган ўқув жадваллари асосида 1994 йилнинг январь ойидан бошлаб барча поғонадаги ўқитувчиларнинг машғулотларини ташкил этишни таъминлаш вазифаси юклатилди. Вазирликнинг Молия ва режалаштириш бош бошқармаси ва вазирликнинг барча бошқармалари ва тасарруфидаги муассасалар билан ҳамкорликда ҳамма сарф-харажатлар ҳисоб-китобини аниқлаб, 1994 йил бюджетидан қўшимча маблағ ажратиш учун Молия вазирлигига таклифлар киритиш, шунингдек, «Маърифат», «Учитель Узбекистана» газеталари, «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими», «Халқ таълими» ва «Мактабгача тарбия» журналлари таҳририятларига мунтазам равишда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш ҳақидаги амалий тажрибалар, кенгашлар ва бошқа таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбирларни кенг тарғиб қилиш, ҳамда ўз нашрларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси намуналаридан бериб бориш вазифалари топширилган.

Қори Ниёзий номидаги Республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва ўқув методика марказига лотин алифбосига ўтиш бўйича зарур ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар ва бошқа тегишли дидактик материалларни тегишли муддатларда тайёрлаш, тасдиқдан ўтказиш, чоп этиш ва вазирликлар тасарруфидаги барча ўқув муассасаларига етказиш вазифалари топширилди.

П. ТЎРАЕВ: — Вазирлик қошида «Янги имлога ўтиш маркази» тузилди. Вазирлик тасарруфидаги ўқув юртлари ва бошқа муассасаларда янги имлога ўтиш бўйича ҳаракатлар ва ишчи гуруҳлари ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг имло қоидаларини яратиш учун ЎзФА Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда муаллифлар гуруҳи тузилди. Бундай ишчи гуруҳлар янги имлони ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш, ўқув дастурлари, қўлланмалар, турли луғатлар ва дарсликлар яратиш бўйича ҳам аниқланди.

Мавжуд ўқув-услубий адабиётларни лотин имлосига ўтказиш ва янгидан тайёрлашнинг, шунингдек, таълимнинг техник воситалари (ТТВ)ни ҳамда нашрбосмахона техникасини лотин имлосига ўтказишнинг тартиб-қоидаларини, ҳажми ва миқдорини ҳамда сарф-харажатларини ҳисоблаб чиқиб, тегишли мутасадди ташкилот ва идораларга тақдим этилди.

Лотин имлосига ўтиш эҳтиёжларини; зарурати ва афзалликларини жамоатчилик орасида, жумладан талабалар, ўқитувчи-ходимлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида бу мавзуларда семинар-кенгашлар ва илмий-амалий анжуманлар ўтказиб туриш, оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш режалаштирилди. Буларнинг ҳаммаси Қонун қабул қилиниши биланоқ вазирлик амалга оширган биринчи босқичдаги ва асосий ташкилий характердаги тадбирлар бўлди.

**Ж. САФОЕВ: — Тошпўлат Тошлонович, Халқ таълими вазирлиги белгилаган тадбирларининг мазмуни билан ҳам таништирсангиз.**

Т. ТОШЛОНОВ: — Аввало, вазирлигимизнинг тадбирлари режасида 2000 йилгача қилинадиган ишлар мўлжалланган. У 5 та муҳим бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда янги алифбо бўйича Халқ таълими вазирлигининг ташкилий-педагогик ишлари кўрсатилган. Унда янги алифбога ўтиш бўйича лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини биладиган мутахассисларни аниқлаш ва улардан маърузачилар гуруҳларини тузиш, янги алифбони ўқитиш бўйича малака ошириш институтлари учун қисқа муддатли (бир-икки ойлик) ўқув-тематик дастурларни тузиш, уларни тақриздан ўтказиш, шу янги алифбони жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот институтларида, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида махсус кабинетлар ташкил этиш, малака ошириш институтларида янги алифбо бўйича ўқиб кетганларга тегишли гувоҳномалар тайёрлаш ва бошқа турли масалалар ёритилди.

Тадбирларнинг иккинчи бўлими Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари ўқитувчиларини ва муассаса ходимларини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтишини босқичма-босқич амалга оширишга бағишланган.

**Ж. САФОЕВ: — Илтимос, ана шу босқичма-босқич деган иборани тўла тушунтириб берсангиз.**

Т. ТОШЛОНОВ: — Биз аввало, биринчи босқичда шу йилнинг февраль ойидан бошлаб Тошкент шаҳрида жойлашган Абдулла Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида ҳар бир вилоятлардан тегишли ўртоқларни чақириб 60 соатлик дастур асосида вилоятлардаги малака ошириш институтларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ўқита оладиган маърузачиларни тайёрлай бошладик. Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги 6 та педагогика институтлари ва 36 педагогика билим юртлари ўқитувчиларидан маърузачилар, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида март, апрель, май ойлари тўртта гуруҳда 70 га яқин ўқитувчи тайёрланади. Таҳсилга келганлар асосан она тили ўқитувчиларидир. Ҳозирга қадар ушбу факультетда Низомий номли педагогика институтининг она тили фани ўқитувчилари билан бошланғич таълим кафедраси она тили ўқитувчилари, шунингдек Жиззах, Қўқон, Навоий, Нукус, Ангрен давлат педагогика институтларининг ҳар биридан 3 киши янги алифбо бўйича ўқитилиб маърузачилик қилишга тайёрланди. Энди саноат педагогикаси билим юртлари ўқитувчилари ҳам шундай ўқишга жалб этилади.

Иккинчи босқич ўқишларга келсак, бу босқич ўқуви вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида ташкил этилиши лозим. Учинчи босқич ўқуви туман, шаҳарларда ташкил этилади. Тўртинчи босқич ўқуви умумтаълим мактабларида ўтказилиши лозим. Бешинчи босқичда ўқувчилар ўқитилади. Ҳозир барча вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида туман, шаҳар халқ таълими бошқармаларининг методика кабинетлари ходимлари, йирик мактабларнинг она тили ўқитувчиларидан маърузачилар тайёрлаш бошланди.

**Ж. САФОЕВ: — Олий таълим тизимидаги тадбирлар-чи? Улар ҳозир қандай босқичда?**

П. ТЎРАЕВ: — Ҳозир Вазирлик янги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги Қарорини амалга оширишнинг биринчи — ташкилий босқичини ўтаб, эндиликда иккинчи босқични, яъни лотин ёзувига ўтиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошираётир. Жумладан, ЎзФА, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларининг тилшунос олимлари ҳамкорлигида «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Бу иш Олий Кенгаш Қарорида кўрсатилган муддатлардан олдин ва тез, ҳозир ҳам бемалол айтиш мумкинки, анча юксак савияда бажарилди.

Бу босқичда амалга оширилаётган яна бир муҳим тадбир — лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини оммага ўргатадиган мутахассис — ўқитувчи ходимлар тайёрлашни йўлга қўйишдир. Бунда вазирлик қуйидаги тартибда иш тутмоқда.

Биринчи навбатда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг филология, тил ва адабиёт факультетлари, кафедра ва бўлимлари қошида янги алифбога ўқитиш курслари очилмоқда. Бу курсларда, аввало лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўқитиш бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрланади. Бундай ўқитувчилар биринчи навбатда ўқув юртларидаги филолог, тилчи ва адабиётчи ўқитувчи-профессорлард а н, шунингдек, ўқув юртининг битирувчи курсларидаги филолог, тилчи-адабиётчи талабалардан тайёрланади. Бундай таркибни ўқитиш, тайёрлаш ва улардан ўқитувчи сифатида фойдаланиш нисбатан осон ва самарали кечади.

Шундай қилиб, шу йилнинг ўзидаёқ (яъни 1994 йилда) вазирлик тасарруфидаги барча ўқув юртларидаги (факультет, кафедра, бўлим курс ва ҳ. к.) тилчи ва адабиётчи ўқитувчи-профессорлар, битирувчи курслардаги тил-адабиётчи талабалар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш курсларида ўқиб, шу соҳа бўйича ўқитувчилик қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Келаси йилдан бошлаб эса улар ўз навбатида бошқаларни янги алифбога ўқитиш ишида фаол қатнашадилар.

Ўқув юртларининг ўқитувчи-профессорларини, аспирант ва докторантларини, шунингдек битирувчи талабаларини лотин имлосига ўргатишнинг иккинчи босқичида, асосан бошқа барча ижтимоий-гуманитар фанлар ходимларини жалб этиш назарда тутилмоқда. Ўрни келганда улардан ҳам кейинчалик ўқитувчи сифатида фойдаланиш мумкин.

Ўқув юртларидаги бошқа соҳалар ва ихтисосликларнинг ўқитувчи-профессорлари, ходимлари, ўқувчи, талабалари эса 1995—2000 йилгача бўлган муддатларда белгиланган тартибга биноан янги имлони ўрганиб чиқадилар.

**Ж. САФОЕВ: — Янги алифбо бўйича дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмали қуроллар тайёрлаш масаласи қандай бўлаяпти?**

Т. ТОШЛОНОВ: — Бу жуда жиддий ва катта меҳнат талаб қиладиган масала. 1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказилиши, қолган синфларда эса факультатив машғулотлар ташкил этилиши кўрсатилган. Шундай экан, биринчи ўринда мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларини ўқув қуроллари билан таъминлаш масаласини ҳал этишимиз, шу билан бирга умумтаълим мактабларининг қолган синфлари ва ҳунар-техника, педагогика билим юртлари, педагогика институтларида ўтиладиган фанларни ҳам янги алифбога ўгириш йўл-йўриқларини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш зарур эди. Биз шундай қилдик. Қори Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти жамоаси янги дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа дидактик материалларни ёзиб, тайёрлаб бериши, Республика ўқув методика маркази жамоаси уларни тақриздан ўтказиб махсус ўқув-методик кенгашлар муҳокамасидан ўтказиб «Ўқитувчи» ва бошқа нашриётлар орқали чоп этказиб бериши лозим. Баъзи дарслик, қўлланмаларни ёзиб тайёрлашда Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари жамоалари ҳам жалб этилган.

Ҳозирги вақтда Халқ таълими тизимига тегишли ўқув муассасалари учун тегишли ўқув дарсликлари, қўлланмалар, кўргазмали қуроллар белгиланиб, уларнинг қачон ёзиб тугатилиши ва қачон нашрга топширилиши ишлаб чиқилган ва вазирлик тасдиғидан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги янги алифбони жорий этиш давлат комиссиясига топширилган. Балки сизни умумий сони қизиқтирар. Агар бу ҳақда айтадиган бўлсак, биз 1995 йил 1-сентябрь куни умумтаълим мактабларининг 1-синфига келадиган ўқувчилар учун ва уларни ўқитадиган ўқитувчилар учун 40 номда дарслик, ўқув қўлланма, дидактик материаллар тайёрлаб беришимиз зарур. Улар «Алифбо», «Она тили», «Ўқиш», «Математика», «Синфдан ташқари ўқиш» учун китоблар, дарсликлар, она тили, математика, тасвирий санъат ва бадиий меҳнат, мусиқа, жисмоний тарбия ва бошқа фанлардан дастурлар; савод ўргатиш, расмли алифбе; она тилини ўқитиш, ҳуснихат дарслиги, синфдан ташқари ўқиш машғулотлари, математика, тасвирий санъат, мусиқа, болалар қўшиқлари ва бошқа мавзуларда методик қўлланмалар, шунингдек 10 дан ортиқ турда дидактик материаллар, дафтарлар ишлашга киришилди. Лотин ёзуви асосида ўзбек алифбосини ўрганувчилар учун «Алифбонинг йўлдоши», «Топишмоқли алифбо» (рангли-суратли қўлланма) «Расмли алифбо» кесма ҳарфлар қўлёзмалари нашрга тайёрланиб топширилди. Шунингдек, «Мусиқа дастури», «Тасвирий санъат», «Оила арифметикаси», «Алифбо», «Она тили дастури» ва бошқалар тақризлардан ўтган. Умумтаълим, ҳунар-техника ва педагогика билим юртлари талабалари ва мустақил ўрганувчилар учун Абдуллаевнинг «Ҳамроҳим» қўлланмаси тайёрланди. Яқинда у ҳам босмахонага топширилди. Улардан бирмунчаси тайёр. Ленин, имло қоидалари ҳали тасдиқланмаганлиги сабабли бу муҳим ҳужжатга қараб қолинди.

Ҳозир болалар боғчаларининг катта ёшдаги гуруҳлари учун, шунингдек оилада боғчага бормайдиган болалар учун ҳам уларни ўқитадиган ота-оналарга методик қўлланмалар ишланмоқда.

П. ТЎРАЕВ: — Халқ таълими вазирлиги ишни дастлаб биринчи синфлар учун зарур дарслик ва қўлланмалар тайёрлашдан бошлаб шу тартибда тобора юқори синфлар томон илгарилаб боришни мўлжаллаган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эса дастлаб, биринчи навбатда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг битирувчи курслари учун, кейин эса 4—3, 2—1 — курслари учун зарур ўқув қўлланмалари ва дарсликлар тайёрлашни амалга оширади. Шундай қилинганда 1999—2000 йилга бориб халқ таълими ва олий таълим тизимларида янги алифбони ўрганувчилар қатори ўзаро туташади. 11-синфни битириб олий ўқув юртига ўқишга кирган талабанинг 1-курсда янги имлони ўрганишига ҳожат қолмайди.

Вазирлик ўзининг ўқув-услуб идорасига 1995 — 2000 йиллар мобайнида лотин ёзувига ўтказиладиган мавжуд дарсликлар, қўлланмалар, ўқув дастурлари ва бошқа ўқув адабиётларини, шунингдек янгидан ёзилиши лозим бўлган ўқув адабиётларини нашрга тайёрлашни топширди. Булар жуда катта ва салмоқли рақамлардан иборат бўлиб, юзлаб ўқув дастурларини, қўлланма ва дарсликларни, миллионлаб нусхаларни ва миллиард-миллиард сўм-купонларни ташкил этади. Буларнинг орқасида эса сермашаққат илмий-ижодий меҳнат, юксак ватанпарварлик ва миллий ғурур, ифтихор туйғулари билан суғорилган халқимизнинг ва унинг шонли зиёлиларининг, педагог-олимларнинг чинакам жасорати ва шижоати ётади. Ҳамма гап ана шу қудратли кучни муайян тартиб ва режалар билан, асосий мақсад атрофида, яъни янги имлога ўтиш бўйича давлат дастурини бажариш йўлида уюштириш ва ташкил этишдадир.

Лотин ёзувига ўтишни муваффақиятли бошлаш ва амалга ошириш юзасидан вазирликда кўрилаётган тайёргарликлардан яна бири олий ўқув юртларининг тажрибали тилшунос педагоглари ҳамкорлигида ўқувчилар учун уч босқичли ўқув қўлланмалари тайёрлаш ишларидир. Бундай қўлланмаларнинг биринчиси ўқув юртларидаги ўқитувчи-профессорларни ва битирувчи курс филологларини янги алифбога ўқитишга, аниқроғи шу алифбо бўйича ўқитувчи-кадрлар тайёрлашга мўлжалланган. Иккинчи босқич қўлланмалари ўқув юртларининг барча ўқувчи-талабаларини янги ўзбек алифбосига ўргатишни мақсад қилади. Учинчи босқич қўлланмада эса кенг жамоатчиликни, аҳолини янги ёзувга ўргатиш назарда тутилмоқда. «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланиб, эълон қилингач, бу қўлланмалар тезда кўп нусхаларда нашр этилиб тарқатилади.

Етук тилшунос олимлар ҳамкорлигида киши исмларининг уч тилдаги (ўзбекча, инглизча, русча) имло луғати қўлёзмаси тайёр бўлди.

Ўқув юртлари раҳбариятига янги имлони жорий этиш ҳайъатига, ишчи гуруҳига ёки муаллифлар таркибига кирган ходимларга ишлаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш ва уларни моддий рағбатлантириш топширилди.

**Ж. САФОЕВ: — Вазирликлар ва улар тасарруфидаги ташкилотлар, муассасалардаги техник воситаларни янги алифбога мослаштириш ишлари ҳам анча жиддий масала. Айниқса, ҳозирги шароитда...**

П. ТЎРАЕВ: — Вазирликда ёзув машинкаларида, клавиатурада лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ҳарфларини жойлаштиришнинг намунавий шакли ўзбек тили ва ёзувининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Т. ТОШЛОНОВ: — Халқ таълими тизимидаги барча олий ўқув юртлари, халқ таълими бошқармалари, илмий-тадқиқот институтлари, кутубхона ва бошқаларидаги ёзув машинкаларини, ишлаб турган компьютерлар клавиатураларини янги алифбога ўтказиш ёки мослаш каби ишларига кетадиган сарф-харажатлар юзасидан маълумотлар янги алифбони жорий этиш бўйича тузилган давлат комиссиясига тақдим этилди.

**Ж. САФОЕВ: — Маълумки, республикамизда Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганидан бери тўрт йил ўтаётган бўлса-да, кўп соҳаларда иш юритиш ҳужжатлари ҳанузгача тайёрланган эмас. Вазирликларимизда иш юритиш ҳужжатларини янги алифбога ўтказиш бўйича ишларнинг бугунги ҳолати ҳақида гаплашсак.**

Т. ТОШЛОНОВ: — Бу соҳада ҳам вазирлик ўз қарамоғидаги барча вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бошқармалари, ўқув муассасаларидаги қатъий ҳисобдаги ҳужжатлар бланкалари, шаҳодатномалар, гувоҳномалар ва ҳоказоларни нашр этиш, мактаб ҳужжатлари, синф журналлари, бўйруқ, қарорлари, дафтарлар, кундаликлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига тегишли ўқув жаридалари, ўқувчи ва талаба синов дафтарчалари, билетларини чоп этиш; барча жорий этилган иш қоғозлари, муҳрларни янги алифбога кўчириш вақтларини белгилаб, уларга кетадиган сарф-харажатлар умумлаштирилиб, уни ҳам янги алифбони жорий этиш бўйича тузилган давлат комиссиясига топшириб қўйилди.

П. ТЎРАЕВ: — Бу иш иккала вазирликда ҳам бир босқичда. Мен такрорлаб ўтирмай.

**Ж. САФОЕВ: — Янги алифбони жорий этишда қандай қийинчиликлар бўлиши мумкин?**

Т. ТОШЛОНОВ: —Халқ таълими вазирлигига тегишли бошқармалар, бўлимлар, институтлар, ўқув-методика маркази ва малака ошириш институтлари ҳозирча ўзларига юклатилган ишларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин имло қоидаси зарур. Шу нарса ишларимизни тезроқ олға юргазмаяпти.

Асосий қийинчилик қўлланма ва дарсликларни ўз вақтида чоп этишда ҳам содир бўлиши мумкин. Чунки бизнинг нашриётларимиз ҳали янги алифбо ҳарфларига мослашиши ҳам анчагина мосламаларга боғлиқ бўлади. Янги алифбода ёзилган дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмали қуроллар чоп этилиш учун навбат кутиб қолмасмикан. Мактаблар, ўқув юртлари, олий мактаб талабалари ва ўқитувчилар қийналиб қолиши мумкин. Шунинг учун бундай дарсликларни хорижда бўлса ҳам чоп эттиришга тўғри келади.

Мен шу ерда бир нарсани айтиб қўйишим керак, ҳозиргача янги алифбонинг 31 ҳарфи ва 1 та тутуқ белгиси (апостроф) жорий этилди. Лекин ҳалигача шу лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг асосий имло қоидалари тасдиқдан ўтиб, кучга кирмагани янги алифбо бўйича мутахассис, ўқитувчи-кадрлар тайёрлашни орқага чўзиши мумкин. Шунга қарамай, Халқ таълими вазирлиги юқорида айтганимдек, февраль ойидан ўқитувчилар тайёрлашни бошлаб юборди. Имло қоидалари тасдиқдан ўтгач, марказий институтда ва вилоят малака ошириш институтларида қўшимча қисқа муддатли курслар ташкил этиш режалаштирилган. Агар имло қоидаларининг тасдиғини кутиб турaверадиган бўлсак, янги алифбога ўқитадиган 1-синф ўқитувчи кадрларни 1995 йил 1 сентябрга тайёрлаб беролмаймиз. Шунинг учун ҳам вазирликда юқорида айтилган ишлар бошлаб юборилди.

**Ж. САФОЕВ: — Кенг жамоатчиликка маълумки, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтиш ишларида Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари ҳам фаол иштирок этишди. Олимларимиз бу ёзувни қай шаклда ва қай тарзда ҳозирги ўзбек тилининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини ҳисобга олишгани аниқ. Шу боис ўқувчиларимизни назариётчи олимларимиз олиб бораётган ишлар ҳам қизиқтиради.**



Н. МАМАТОВ: — Табиийки, янги алифбони, лотинча ёзувни ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам имло қоидалари билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти қошида тузилган комиссия томонидан тайёрланган ва 1981 йилнинг ёзида умумхалқ муҳокамасига қўйилган имло қоидаларининг навбатдаги лойиҳаси бир неча йил муҳокама қилинган бўлса ҳам, қабул қилинмаган. Чунки унда илмга, тилшунослигимиз ютуқларига эмас, балки муаллифларнинг тахминларига асосланган қоидалардаги талай нуқсонлар муҳокама қатнашчилари томонидан далиллар билан кўрсатиб берилганди...

Масалан, қўшма сўзларни асосан ажратиб ёзиш касофати туфайли тилдаги барча сўзларнинг деярли ярмини ташкил қилувчи бундай сўзларнинг (улар 10 миллионтадан кўп) мингдан бири ҳам луғатларга киролмай қолади. Чунки лексикографик қоидаларга мувофиқ, ажратиб ёзиладиган сўзларни турли матнлардан тўплаб ҳам, филологик луғатларга киритиб ҳам бўлмайди. Натижада луғатларимиз (бинобарин, тилимиз ҳам) дунё кўзига жуда камбағал бўлиб кўринади. (Бу ҳақда «Халқ сўзи» газетасининг 1991 йил 19 октябрь сонида босилган «Хазина» мақоласида батафсил тўхталганмиз).

Бу гаплардан мақсад шуки, лотинча ёзувимизга оид имло қоидалари лойиҳаси яқин кунларда умумхалқ муҳокамасига қўйилади, деган умиддаман. Муҳокама ҳатто тор доирада, нуфузли давларда ўтказилса-да, республикамизнинг тилшунослари, тил ва адабиёт ўқитувчилари, айниқса матбуот ва нашриёт ходимлари фаол қатнашишлари лозим.

Чунки ҳар қандай ёзувнинг ҳам ўзига хос мураккаб томонлари бор. Масалан, араб ёзувидаги «зер-забарлар», крилл ёзувидаги кўпгина ҳарфларнинг шу ҳарф ифодалайдиган ўзбек товушлари билан айнан мутаносиб эмаслиги сингари ҳолатлардан янги алифбомиз ҳам мустасно эмас.

Бу муаммо аввало республикамизда 40-йилларда амалда бўлган лотин алифбоси таркиби билан ҳозир жорий этилаётган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси орасидаги ҳарфий тафовутда кўринади. Қолаверса, айрим ҳарфлар шаклларининг бир неча элементдан иборатлилиги айниқса, болаларни ёзувга ўргатиш чоғида ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, янги алифбомизда асосий элементдан ташқари қўшимча элементлар ёрдамида шаклланувчи ҳарфлар ўн биттани ташкил этади. Улар алифбонинг охириги қисмига жойлаштирилган...

Янги алифбомизни ўзлаштиришда учрайдиган шу каби ҳолатларни енгиллаштирувчи методик тавсиялар яратиш зарур, деб ўйлайман. Шунинг учун энди бу алифбони боғча ёшидаги болалардан бошлаб, ўқувчиларга, талабаларга, барча ўқитувчиларга, турли муассасалардаги иш юритувчи ходимлар, хуллас халққа ўргатишни, сингдиришни енгиллаштирувчи омиллар, усуллар ҳақида ўйлашимиз жоиздир. Янги алифбодаги ўзгаришларни халққа ўргатиш нечоғлик осон ёки қийин кечишини уларни амалга ошира бориш жараёни, тажриба кўрсатади.

**Ж. САФОЕВ: — Ҳар қандай ижтимоий янгиликни жорий этиш ҳам, уни ўзлаштириш ҳам осон кечмайди. Лекин Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётганидек, мамлакатимизда янги алифбони жорий этишдек улкан ва мураккаб жараёнда ҳам ҳар бир масъул ходим, ҳар бир мутахассис ўз вазифасини сидқидилдан адо этса бу ишлар кўнгилдагидек самара беришига ишонаман. Бу ҳар бир фуқародан амалий ишчанликдан ташқари фикран изланувчанликни ҳам талаб этади. Шу боисдан, Тошпўлат Тошлонович, суҳбатимиз сўнгида Сиз лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги Қонун ва Қарорни ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан таклифларни билдирсангиз.**

Т. ТОШЛОНОВ: —Яқинда Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Муҳаммаджон Қорабоев бошчилигида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича Республика давлат Комиссиясининг йиғилиши бўлиб, унда янги алифбога ўтишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди, тажрибалар умумлаштирилиб, аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, вазирликларимиз ташаббуслари билан ўтказилаётган семинар-кенгашларда ҳам мутахассисларнинг шу фаолиятга оид таклиф ва мулоҳазалари эшитилиб, умумлаштирилиб комиссия эътиборига тақдим этилмоқда.

Янги имло қоидаларини тузувчи ишчи гуруҳ раҳбари Азим Ҳожиев иштирокида янги имло қоидалари лойиҳаси муҳокамалари давом этмоқда. Бу лойиҳа тезроқ жамоатчилик муҳокамасида ечилиб, «Имло қоидалари» қабул қилинса, кўп қиррали фаолият авж олиб кетади.

Чунончи. ҳозир мутахассислар ва ўқувчилар орасида олиб борилаётган савод чиқариш ишлари, таълим тизими доирасидан чиқиб, кенг омма орасига ёйилади.

Янги алифбо бўйича саводхонликни амалга оширишда силаларда ишламайдиган кишилар ва янги алифбода ўқишни истаган қариялар, фахрийлар учун ҳам махсус ўқишлар ташкил этиш, улар учун қўлланмалар ёзиш лозим. Бу ишда, бир томондан мактаб ўқитувчиларини маҳаллаларда ёки хонадонларда иш олиб боришини, иккинчи томондан телевидение орқали махсус ўқув ташкил этиш керак бўлади. Бу ҳақда яқинда Халқ таълими вазирлиги телевидение ходимлари билан учрашиб, маслаҳатлашиб олдилар. Ўйлаймизки, яқинда бу иш ҳам бошланиб кетса керак.

Республикамиздаги ҳар бир ташкилот, муассаса, маҳалла қўмиталари, ишлаб чиқариш жамоалари, ўқув муассасалари ва бошқа идоралар, хўжаликлар ўзларининг аниқ тадбирларини белгилаб, 2000 йилга қадар ўзларига тегишли барча кишиларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига қачон ўқитишларини ва бунга шу янги алифбога аҳолини ўқитадиган вилоятлардаги марказлардан қайси маърузачи—ўқитувчи чақиришларини аниқлаб олишлари зарур. Шаҳар, туманларда келгусида барча соҳадаги ишлаётган меҳнат жамоалари, ишламайдиган аҳолини янги алифбога ўқитишда вилоят ўқитувчилар малака ошириш институтлари, педагогика институтлари, университетлар фаол иш қилишлари зарур бўлади.

**Ж. САФОЕВ: — Суҳбатимизда айтилган тажрибалар бошқа тизим ходимларини ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Бозор иқтисоди ташвишлари билан бўлиб, йўналишдаги фаолиятни бошлашга шошилмаётган кишилар — масъул ходимлар, мутахассислар, раҳбарлар, боринг-ки, юртимизнинг ҳар бир фуқароси бугундан кечиктирмай ҳар куни маълум вақтини янги алифбони ўрганишга ва ўрганишга ажратишларига ишонгим келади.**

**Сиз, давра суҳбатимиз қатнашчиларига, сизлар орқали Республика Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ходимларига бу борадаги фаолиятингизда улкан самаралар тилайманиз.**

**Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири М. МУРОДОВА ёзиб олди.**

# СИЗ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

— Ўзбекистон Республикасида яқин йилларга хусусийлаштиришнинг асосий шакл ва усулларини белгилаб берган Президентимизнинг 1994 йил 21 февралдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармонидан сўнг Республикамизда хусусийлаштириш бундан сўнг шу Фармон ва бошқа қонунчилик, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асосида кўрилади. Ҳукумат томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастурида кичик объектларни ким ошди савдоси ва конкурслар орқали сотишнинг устиворлиги кўрсатилган. Бундан савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қуриб битказилмаган объектларни биржа савдоси орқали сотиш хусусийлаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Ҳозирги вақтда Республика кўчмас мулк биржаси ташкил этилган. Муассислар таркиби аниқланган. Олий ва ижроий бошқарув органлари сайланган. Брокерлик жойларини конкурс асосида сотиш устунлик қилади. Брокер ва дилерлар, агентлар бир ойлик курсни ўтаб ва имтиҳон топшириб, кўчмас мулк билан ишлашга ҳуқуқ оладилар.

Ўқув ишларини тажрибали юристлар олиб боришади. Биржа савдосида сотувчи, харидор функциялари ана шундай воситачиларга юкланади.

Кўчмас мулкнинг ким ошди савдоси ва конкурслари Республика кўчмас мулк биржаси орқали Давлат мулки Қўмитаси, ҳокимлик, молия органлари вакилларини таркибига қўшган ҳолда ким ошди савдоси комиссиясини тузиб амалга оширилади.

Бошлаб юборилган ким ошди савдоси жараёнини тартибга солиш мақсадида, вилоятлар бўйича ким ошди савдосига ва конкурсларга қўйиладиган объектларнинг номма-ном рўйхати белгиланган. Булар асосан ижтимоий-маиший мақсад учун фойдаланишга мўлжалланган 264 та корхона, бино ва хона. Уларнинг кўпчилиги ўз эгаларини шу йилнинг биринчи ярмидаёқ топади.

Кўчмас мулк бўйича ким ошди савдоси 30 апрель куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади, бунда ҳали катта бўлмаса ҳам Наманган ва Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган икки савдонинг тажрибаси ҳисобга олинади.

Кўчмас мулкни харид қилишга вақтида талабнома берган Ўзбекистон Республикасининг барча давлатга тегишли бўлмаган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар талабгор бўлишлари мумкин. Хорижий сармоядорларга келсак ким ошди савдосида чет эл фуқаролари ва фирмаларининг қатнашиш тартиби ҳақидаги ишлаб чиқилган низом тугаллаш арафасида турибди.

Киритиладиган гаровлар суммаси ташкилотчи томонидан объектнинг бошланғич қийматидан 10% кам бўлмаган миқдорда белгиланади, бошланғич қиймат хусусийлаштириш комиссияси томонидан объектнинг ҳисобга олинган асосий, оборот фондлари ва молиявий актлари бўйича аниқланади.

Талабномаларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига 3 кун қолганда тўхтатилади.

Шуни таъкидлаш керакки, кўчмас мулк бўйича ким-ошди савдоларини ўтказиш бир марта ўтказиладиган компания бўлмай, балки кенг миқёсдаги ишлаб чиқилган дастурдир. Шахсий мулк эгасининг ҳуқуқлари қонун томонидан кафолатланади ва ҳимоя қилинади.

Ким-ошди савдолари аҳолини ҳукумат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнига кенгроқ иштирок этишини таъминлаш учун доимий равишда ўтказилиб турилади.

Қуйидаги тармоқ объектларини харид қилишни хоҳловчилар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат мулки қўмитаси томонидан ким ошди савдосини ўтказиш учун ташкил этилган тегишли комиссияларга талабнома билан мурожаат қилишлари мумкин.

**Рустам НУРАЛИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг раис ўринбосари.

## КИМ ОШДИ САВДОСИ ВА КОНКУРС ОРҚАЛИ СОТИШ УЧУН КЎЗДА ТУТИЛГАН ОБЪЕКТЛАР РЎЙХАТИ

| №№ | Объект номи | Жойлашган ўрни |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| | **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** | |
| 1. | Ҳаммом № 1 | Нукус ш. |
| 2. | Ҳаммом №2 | —„— |
| 3. | Ҳаммом № 3 | —„— |
| 4. | Ҳаммом № 6 | —„— |
| 5. | Қўй-Пўстин цехи | —„— |
| 6. | «Правда» ж/х ҳаммоми | —„— |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 7. | 16 хонали турар жой | Манғит ш. |
| 8. | 16 хонали — » — | Тахиатош ш. |
| 9. | 16 хонали — » — | Чимбой ш. |
| 10. | 16 хонали — » — | к. Водник, Хўжайли тумани |
| 11. | 16 хонали — » — | Ленинобод ш. |
| 12. | 23-чи микр. р-он болалар боғчаси | Нукус ш. |
| 13. | Болалар боғчаси | Нукус ш., Яблочная кўчаси |
| 14. | Болалар боғчаси | к. Водник, Хўжайли тумани |
| 15. | Дорихона | Қўнғирот ш. |
| 16. | Дорихона | н/м Қораўзак |
| 17. | Дорихона | н/м Кечейли |
| 18. | Меҳмонхона | н/м Қораўзак |
| 19. | Б П К | Хўжайли ш. |
| 20. | Ҳаммом | Хўжайли ш. |
| 21. | ЎзИТекшаҳарқуриш биноси | Нукус ш. |
| 22. | Маъмурий бино | Элликқалъа тумани |
| 23. | Универмаг | Нукус ш. |
| 24. | Сузиш бассейни | —„— |
| 25. | «Амударья» БВО биноси | —„— |
| | **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | Ҳаммом | Шаҳрихон ш. |
| 2. | Чойхона (қаҳвахона билан) | Хўжаобод тумани |
| 3. | Чойхона | «Дўстлик» қишлоғи |
| 4. | «Ямбал» ресторани | Андижон тумани, Сой кўчаси |
| 5. | Пивохона | Асака ш. |
| 6. | «Бўстон» ресторани | Қўрғонтепа ш. |
| 7. | Кафетерий | Бўз тумани |
| 8. | Совутгич таъмирлаш устахонаси | Қўрғонтепа ш. |
| 9. | «Ойжамол» ресторани | Андижон тумани, Куйганёр қишлоғи |
| 10. | Универмаг | Балиқчи тумани |
| 11. | Ресторан | «Чинобод» тумани |
| 12. | Меҳмонхона | Чинобод қишлоғи |
| 13. | Ошхона, новвойхона, гўшт дўкони | Хонобод ш. |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 14. | Болалар поликлиникаси | Андижон ш. |
| 15. | 16 хонали уй | Қўрғонтепа тумани |
| | **БУХОРО ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | «Галаосиё» меҳмонхонаси 21 ўрин | Бухоро тумани |
| 2. | Ҳаммом (янги) қуввати — 1 соат. 40 киши | Когон ш. |
| 3. | Шаҳар ҳаммоми, қуввати — 1 соат. 40 киши | —„— |
| 4. | «Когон» меҳмонхонаси 60 та ўрин | —„— |
| 5. | «Мебель» павильони | —„— |
| 6. | «Кулинария» павильони | —„— |
| 7. | «Мебель» павильони | —„— |
| 8. | Дўкон № 5 ОРС НОД-3 | —„— |
| 9. | Ҳаммом, қуввати — 1 соат. 50 киши | Вобкент тумани |
| 10. | Ҳаммом, 1 соат. 40 киши | Пешку тумани маркази |
| 11. | Савдо маркази | — « — |
| 12. | Чойхона 75 та ўринли | Пешку |
| 13. | Ҳаммом, қуввати — 1 соат. 40 та одам | —„— Шофрикон тумани маркази |
| 14. | Ишламайдиган ҳаммомнинг биноси | — « — |
| 15. | «Зарафшон» меҳмонхонаси | Бухоро ш. |
| 16. | «Бахт» савдо комплекси | —„— |
| 17. | «Птица» дўкони | Когон ш. |
| 18. | Маиший хизмат комплекси | Ромитон тумани маркази |
| 19. | Универмаг | —„— |
| 20. | Иссиқхона | Пешку тумани, Охунбобоев номли ж/х |
| 21. | «Саёҳат» меҳмонхонаси, 518 ўрин | —„— Бухоро ш. |
| | **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | «Тошлоқ» чойхонаси | Жиззах маркази |
| 2. | «Бўстон» ресторани | — « — |
| 3. | Хўжалик моллари дўкони | Ғаллаорол туман маркази |
| 4. | «Музбулоқ» ресторани | —„— |
| 5. | Савдо дўкони | Ғаллаорол тумани, А. Темур ширкати |
| 6. | «Дилором» универмаги | Маржонбулоқ қишлоғи |
| 7. | 4 та молхона (янги) 280 бош молга мўлжалланган | Бахт қўрғони маркази |
| 8. | «Самарқанд» ресторани | Жиззах тумани |
| 9. | «Марҳабо» ресторани | Жиззах тумани, Учтепа маркази |
| 10. | «Мингчинор» ресторани | Дўстлик тумани |
| 11. | «Спорт » дўкони | Зомин тумани маркази |
| 12. | Хўжалик моллар дўкони | Мирзачўл тумани |
| 13. | «Спорт» дўкони | Пахтакор тумани, «Навбаҳор» ж/х |
| 14. | Чойхона | Зафаробод тумани, С. Раҳимов номли ж/х |
| 15. | Боғбонлар уйи | —„—, Ф. Хўжаев номли ширкат |
| 16. | Иссиқхона | —„— |
| 17. | «Юлдуз» универмаги | Фориш тумани маркази |
| | **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | 48 ўринли меҳмонхона | Чироқчи тумани |
| 2. | 50 ўринли ҳаммом | —„— |
| 3. | 50 ўринли ҳаммом №2 | Косон ш. |
| 4. | «Ғузор» меҳмонхонаси, 24 ўрин | Ғузор тумани |
| 5. | «Қош» меҳмонхонаси, 103 ўрин | Шаҳрисабз ш. |
| 6. | Ҳаммом, қуввати — 1 соатда 12 киши | Қарши ш. |
| 7. | «Ёшлик» кичик корхонаси | — « — |
| 8. | Ҳаммом № 1 | Шаҳрисабз ш. |
| 9. | «Нуроний» чойхонаси | Қарши ш. |
| 10. | Ресторан | Қарши туман маркази |
| 11. | «Юлдуз» ресторани | Нишон тумани |
| 12. | «Ҳисор» ресторани | Шаҳисабз тумани |
| 13. | «Китоб» чойхонаси | Китоб ш. |
| 14. | Савдо маркази | Яккабоғ тумани |
| 15. | Болалар боғчаси 95 ўрин. (2 қават.) | Яккабоғ тумани, Олақарға қиш. |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН КУРИЛИШ** | |
| 16. | Савдо комплекси | Шаҳрисабз ш. |
| 17. | Чойхона | Китоб ш., деҳқон бозори |
| 18. | Ҳаммом, 110 ўринли | Китоб ш. |
| 19. | Болалар боғчаси, 140 ўринли | Яккабоғ тумани, У. Муродов номли ж/х |
| 20. | Маданият уйи, 500 ўринли | Китоб ш. |
| | **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | «Навоий» меҳмонхонаси, «Сармиш» ресторани билан биргаликда | Навоий ш. |
| 2. | «Вечерний» ресторани | —„— |
| 3. | «Иссиқ нон» новвойхонаси | —„— |
| 4. | «Гулистон» ҳаммоми | —„— |
| 5. | «Спортторг» дўкони | —„— |
| 6. | МТС ҳаммоми | Кармана ш. |
| 7. | «Кармана» ресторани | —„— |
| 8. | «Ором» универмаги | —„— |
| 9. | «Восток» ресторани | —„— |
| 10. | «Наврўз» универмаги | Қизилтепа ш. |
| 11. | СТО-ВАЗ. ВАЗ енгил автомашиналарга хизмат кўрсатиш станцияси | Кармана ш. |
| 12. | «Тинчлик» ошхонаси | Навоий ш. |
| 13. | «Дўстлик» меҳмонхонаси | Қизилтепа ш. |
| 14. | «Кизилтепа» ҳаммоми | —„— |
| 15. | «Конимех» меҳмонхонаси | н/м Конимех |
| 16. | «Томди» меҳмонхонаси | н/м Томди |
| 17. | «Томди» ҳаммоми | —„— |
| 18. | «Янгиработ» ҳаммоми | н/м Хатирчи |
| 19. | «Нурота» меҳмонхонаси | Нурота ш. |
| 20. | «Нурота» ҳаммоми | —„— |
| 21. | «Юность» меҳмонхонаси | Навоий ш. |
| 22. | «Маликработ» қаҳвахонаси | —„— |
| 23. | «Роҳат» қаҳвахонаси | —„— |
| 24. | Қандолат цехи | —„— |
| 25. | «Кармана» меҳмонхонаси | Кармана ш. |
| 26. | «Кармана» ҳаммоми | —„— |
| 27. | Ресторан «Янгирабод» | Хатирчи ш. |
| 28. | «Хозмаг» савдо маркази | Қизилтепа ш. |
| 29. | СТО-1. Енгил автомашиналарга хизмат кўрсатиш станция №1 | Навоий ш. |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 30. | «Птица» дўкони | Қизилтепа ш. |
| 31. | 9-чи микрорайондаги савдо маркази | Навоий ш. |
| 32. | Лимонад цехи | —„— |
| 33. | Йирик панелли бино қуриш заводи | Қизилтепа ш. |
| 34. | Чойхона | Ўртачўл даҳаси |
| 35. | Колбаса цехи | —„— |
| 36. | Иссиқхона | Кармана ш. |
| 37. | Кичик новвойхона | Навоий ст. |
| 38. | Ёғочсозлик-бино қурилиш комбинати | Қизилтепа ш. |
| 39. | Автопарк | Ўртачўл даҳаси |
| 40. | 90 ўринли чойхона | Навоий ш. |
| 41. | Ғишт цехи | —„— |
| | **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | «Бухоро» чойхонаси | Наманган ш. |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 2. | «Хитой» чойхонаси, 50 ўринли | Наманган ш. |
| 3. | 26 ўринли ҳаммом | Янгиқўрғон тумани |
| 4. | —„— | Задарё тумани |
| 5. | «Минг бир кеча» қаҳвахонаси | Янгиқўрғон тумани |
| 6. | ТПО «ТОЭМЗА» бўлими | Тўрақўрғон тумани |
| | **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | Меҳмонхона | Каттақўрғон ш. |
| 2. | Ҳаммом №3 | —„— |
| 3. | Меҳмонхона | Ургут ш. |
| 4. | Бозор олдидаги савдо расталари | Булунғур ш. |
| 5. | Ҳаммом № 1 | —„— |
| 6. | Ҳаммом | Каттақўрғон тумани Пайшанба қўрғони |
| 7. | Ресторан чойхонаси билан | Нуробод тумани, Нуробод қишлоқ маркази |
| 8. | «Кўкота» чойхонаси | Оқтош ш. |
| 9. | Қаҳвахона | Кўкота қишлоғи, Нуробод туман Қарноб даҳасининг маркази |
| 10. | «Регистон» меҳмонхонаси | Самарқанд ш., М. Улуғбек кўч. |
| 11. | «Боғишамол» меҳмонхонаси | Самарқанд ш., М. Миршаропов кўчаси. |
| 12. | Тижорат дўконининг биноси | Самарқанд ш., А. Икромов кўч. |
| 13. | Чойхона | Челак тумани, М. Азимов ижара корхонаси |
| 14. | Дўкон | —„— |
| 15. | Дўкон | Челак тумани |
| 16. | Қурилиш моллари дўкони | Челак тумани, Чолмўйин қиш. |
| 17. | «Ветеран» қаҳвахонаси | Оқтош ш. |
| 18. | Ҳаммом | —„— |
| 19. | Шийпон № 1 | —„— |
| 20. | Шийпон № 2 | —„— |
| 21. | Шийпон № 3 | —„— |
| 22. | Шийпон | —„— |
| 23. | Шийпон № 15 | —„— |
| 24. | Клуб | Челак тумани «Деҳқонобод» ширкатлар жамоаси |
| 25. | Клуб | Челак туманидаги мактаб биноси |
| 26. | «Жувоз» | Челак тумани ширкатлар жамоасининг автопарки |
| 27. | Тегирмон | Челак тумани Н. Азимов ижара автопарк хужалиги |
| 28. | «Жувоз» | —„— |
| 29. | Ҳаммом | Челак тумани |
| 30. | Боғ | Челак тумани, П. Нурмонов ширкатлар жамоаси |
| 31. | Шийпон № 5 | Челак тумани |
| 32. | Шийпон № 7 | —„— |
| 33. | Клуб | Челак тумани, П. Нурмонов жамоаси |
| 34. | Ҳаммом | Челак тумани, Навоий номли ширкатлар уюшмаси |
| 35. | «Биолаборатория». | Челак тумани, Ал Бухорий номли ж/х |
| 36. | Шийпон | Челак тумани |
| 37. | «Узумзор» ресторани | Қўшработ тумани «Қийқим» ж/х |
| 38. | Маъмурий бино | Қўшработ тумани, А. Қодиров ижара хўжалиги |
| 39. | «Ўрозмат» ресторани | —„— |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 40. | Ҳаммом | Самарқанд ш., Андижон кўчаси |
| 41. | Сиёб тумани ҳокимиятининг маъмурий биноси | Самарқанд ш. |
| 42. | Сут заводи | Чўпон-Ота даҳаси |
| 43. | Новвойхона | Челак тумани |
| 44. | Чойхона | Қўшработ тумани |
| 45. | Дўкон билан бекат | Гўзалкент тумани —„— |
| | **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | Вилоят матлубот жамиятининг агросаноат комбинати | Денов ш. |
| 2. | Савдо маркази | Янгиобод кишлоғи, Музрабод тумани |
| 3. | Дорихона | Учқизил қишлоғи |
| 4. | Меҳмонхона | Денов ш. |
| 5. | Ҳаммом | Олтинсой тумани маркази |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 6. | Пойабзал уйи | Сари-осиё |
| | **СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | «Сирдарё» меҳмонхонаси | Гулистон ш. |
| 2. | Ошхона | Боёвут тумани, Бафут даҳаси |
| 3. | Меҳмонхона | Ш. Рашидов тумани, Пахтаобод қўрғони |
| 4. | Савдо маркази | 58-разъезд, Янгиер ш. |
| 5. | Савдо маркази | Янгиер ш., 40-йил кўчаси |
| 6. | Саноат моллари дўкони | Янгиер ш., Бобур кўчаси |
| 7. | Қишлоқ хўжалик моллари дўкони | Наврўзобод қишлоғи, Тумарис қишлоғи |
| 8. | Озиқ-овқат комплекси — ошхона (2-та) — буфет — кандолат цехи — дўкон | Боёвут тумани, Боёвут қўрғони |
| 9. | «Лола» ресторани | Ш. Рашидов тумани, Пахтаобод қўрғони |
| | **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | № 92 дўкон биноси | Бекобод ш. |
| 2. | 4 хонали квартира | —„— |
| 3. | 5, хонали квартира | —„— |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 4. | Сирдарё бўйидаги Пионерлар уйи | —„— |
| | **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | «Фарғона» меҳмонхонаси | Фарғона ш. |
| 2. | № 5 ҳаммом | —„— |
| 3. | «Марғилон» меҳмонхонаси | Марғилон ш. |
| 4. | «Зебо» чойхонаси | Қува ш. |
| 5. | Хўжалик моллари дўкони | —„— |
| 6. | «Қува» меҳмонхонаси | —„— |
| 7. | «Кўқон» меҳмонхонаси | Кўқон ш. |
| 8. | Ҳаммом № 1 | Қувасой ш. |
| 9. | Ҳаммом № 2 | —„— |
| 10. | «Бешариқ» меҳмонхонаси | Бешариқ тумани |
| 11. | «Яйпан» меҳмонхонаси | Яйпон тумани |
| 12. | Универмаг | —„— |
| 13. | «Водил» меҳмонхонаси | Водил қишлоғи |
| 14. | Ҳаммом | Олтиариқ тумани |
| 15. | Ҳаммом | Тошлоқ ш. |
| 16. | Хўжалик моллар дўкони | Олтиариқ тумани |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 17. | Чойхона | Фарғона-Қиргули |
| 18. | Дўкон қурилиши | Олтиариқ тумани, Полосон қиш. |
| | **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ** | |
| 1. | «Парвоз» меҳмонхонаси | Урганч ш. |
| 2. | Ҳаммом № 1 | —„— |
| 3. | Ҳаммом № 2 | —„— |
| 4. | Ҳаммом № 1 | Хева ш. |
| 5. | Ҳаммом № 2 | —„— |
| 6. | «Питияк» ресторани | Душанба ш. |
| 7. | Мактаб болаларининг ёзги дам оладиган лагери | Хонқа тумани |
| 8. | Маиший хизмат уйи | —„— |
| 9. | «Урганч» меҳмонхонаси | Урганч ш. |
| 10. | Ҳаммом № 4 | — « — |
| 11. | Ҳаммом № 5 | —„— |
| 12. | Ҳаммом | Қўшкўпир тумани |
| 13. | Чойхона | —„— |
| 14. | Ҳаммом № 2 | Хонқа тумани |
| 15. | Ҳаммом | —„— |
| 16. | «Хонқа» меҳмонхонаси | —„— |
| 17. | «Хозарасп» меҳмонхонаси | Ҳозарасп тумани |
| 18. | «Купала» ошхонаси | Ургенч ш. |
| 19. | «Мороженое» павильони | —„— |
| 20. | Маиший хизмат уйи | —„— |
| 21. | Қишлоқ хўжалик моллари дўкони | Дружба ш. |
| 22. | Ҳаммом № 1 | Хонқа тумани |
| 23. | «Боғот» меҳмонхонаси | Боғот тумани |
| 24. | Ҳаммом № 3 | Хева ш. |
| 25. | Чойхона «Остона» | Янгиариқ тумани |
| 26. | Ҳаммом № 1 | Ҳозарасп ноҳияси тумани |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | —„— |
| 27. | Болалар боғчаси | Дружба ш. |
| 28. | Маъмурий бино | Хева ш. |
| 29. | Ҳаммом | Қўшкўпир тумани |
| 30. | Болалар боғчаси | Боғот тумани |
| | **ТОШКЕНТ ШАҲРИ** | |
| 1. | «Хадра» меҳмонхонаси 160 ўринли | Шайхонтоҳур тумани, М-14 |
| 2. | Жами 10 квартира Шундан: — уч хонали — 5 — тўрт хонали — 5 | Ашрафий кўчаси, 6-уй |
| | **ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ** | |
| 3. | «Радиотехника» дўкон-салон | Ц-17, 18 |
| 4. | Озиқ-овқат дўкони | Юнусобод тумани, СБ-5 |
| 5. | Озиқ-овқат дўкони | Калинин номли ж/х ерларидаги даҳада |
| 5. | Умумий овқатланиш блоки | Шайхонтоҳур туманидаги усти ёпиқ бозорда |
| 7. | ОТЦ-М/р Боғлиқ | Яккасарой тумани |


**ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО**

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир А. Йўлдошев, навбатчи М. Муродова.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г.—906 80332 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6 Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 23.00.